Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 45 (1109) ● 2016-yil, 28-oktabr, juma

Бюджет ва бандлик масалалари — депутатлар эътиборида

➢ ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Йиғилиш аввалида "2017 йилги Бюджетнома – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳамда солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишларининг лойиҳалари тўғрисида"ги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари М.Мирзаевнинг ахбороти тингланди.

Маърузада таъкидланганидек, жаҳон иқтисодиётида ўсиш суръатлари секинлашиб, дунё бозорида экспорт товарларининг нархи пасайиб бораётган шароитда Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети охирги йилларда профицит билан ижро этилаётгани олиб борилаётган солиқ ва бюджет сиёсатининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

2017 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаси ҳам макроиқтисодий мувозанат ва барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолиш, давлат бюджети балансли-лиги ва барқарорлигини таъминлаш, давлат қарзининг асоссиз равишда ошишига йўл қўймаслик, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада оширишни таъминлаш сингари муҳим вазифаларни назарда тутади. Шунингдек, 2017 йилги Бюджетнома лойиҳасида давлат бюджетининг даромадлар базаси солиқ юкини (даромадларни ЯИМга нисбатан) янада пасайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигини яхшилаш, чуқур таркибий ўзгартиришлар ва муҳандислик, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритиш ҳамда маҳаллий бюджет харажатларини оптималлаштириш ҳисобига субвенция олувчи ҳудудлар сонини қисқартириш кўзда тутилган.

2➢

Сайлов округида иш қизғин

Наманган шаҳрининг қоқ марказидаги кўркам бинода эртадан кечгача одамлар оқими тинмайди. Оқшомлари ҳам деразалардан кўзга ташланадиган чироқ нурлари бу ерда ҳаёт қайнаётганлигидан дарак беради. "Ёшлар маркази" деб аталадиган бу даргоҳда айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округи сайлов комиссияси фаолият олиб бормоқда.

Округ сайлов комиссияси билан биргаликда сайлов кампаниясининг боришини ёритиш бўйича вилоят матбуот маркази ҳам шу ерда жойлашган. Унинг таркибида бир қатор тажрибали, қалами ўткир журналистлар иш олиб бормоқдалар. Олти кишидан иборат жамоага Соҳибжон Рапиқов бошчилик қилмоқда. Ёш бўлишига қарамай у етарли ҳаёт тажрибасига эга мутахассис, айни пайтда вилоят телерадиокомпаниясида ишлайди.

— Маълумки, сайловлар ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси ҳисобланади, — дейди С.Рапиқов. — Сайлов фуқароларнинг ўз хоҳиш-истагини эркин ифода этиши, уларнинг сиёсий ҳаётда бевосита иштирок қилиши учун давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда қатнашишга имкон берадиган жараён ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли мамлакатимизда демократик тамойилларга ва халқаро андозаларга мос келадиган сайлов тизими шакллантирилди. Эндиликда бу сайлов тизими дунёнинг кўплаб бошқа мамлакатларида ҳам эътироф этилмоқда. Бизнинг вазифамиз эса мана шу жараёнларнинг очиқ ва ошкоралигини яна бир бор кўрсатиб беришдан иборат.

2➢

➢ САЙЛОВ — 2016

МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН:

навбатдаги босқич

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси ўзининг қизғин палласига кирмоқда. Жумладан, 21 октябрь куни мазкур сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар қаторида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг вакиллари Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни топширишди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ваколатли вакили, Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари А.Рахмонов, Марказий аппарати бўлим бошлиқлари Ф.Эшонқулов, У.Расулов, етакчи мутахассис А.Эгамқулов ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга асосан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, партиянинг ваколатли вакили А.Рахмонов Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатлар тақдим этди.

Ваколатли вакил бўлажак сайловда иштирок этиш ва номзод кўрсатиш бўйича Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг жорий йил 17 сентябрь куни бўлиб ўтган VI Пленуми қарор қабул қилганлиги ҳамда 15 октябрдаги партиянинг VIII Қурултойида делегатлар томонидан Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Наримон Маджитович Умаровни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини таъкидлади.

3➢

Сайлов кампаниясида

хотин-қизлар иштироки муҳокама этилди

Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги мавқеи ва нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўз навбатида, юртимиз хотин-қизлари кўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан ҳар соҳада ўзларининг фаоллиги, салоҳияти ва дунёқарашини кенг намойиш қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этган хотин-қизларнинг сайловларда иштироки мавзусидаги республика семинарида шу ҳақида сўз юритилди.

3➢

Ёшларнинг фаоллиги

яққол намоён бўлмоқда

Тошкент дизайн касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Юнусобод туман кенгаши ҳамкорлигида "Сайлов ва ёшларнинг сиёсий фаоллиги" мавзусида тадбир ўтказилди. Партиянинг "Биргаликда юксак ҳуқуқий маданият сари" лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия Марказий аппарати масъул ходимлари, шаҳар партия кенгаши фаоллари, "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари, коллежнинг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

Давра суҳбатида миллий сайлов қонунчилиги асослари ҳақида сўз юритилди, жорий йилнинг 4 декабрида ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшларнинг Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқидан фойдаланиб, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши Ватанимиз келажаги учун алоҳида аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда ёш сайловчилар "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги ва "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларнинг мазмун-моҳияти, фуқароларнинг сайлов қонунчилигида белгиланган конституциявий ҳуқуқлари билан таништирилди. Сайлов жараёнида фуқаролар, хусусан, ёшларнинг ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиши учун кенг шароит яратилиши, тенглик, ошкоралик ва адолатлилик тамойилларига қатъий амал қилиниши қайд этилди.

2➢

25 ЙИЛ: МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

БУНЁДКОРЛИК МЎЪЖИЗАЛАРИ

Мамлакатимиз марказида жойлашган Жиззах бир томондан Сирдарё вилоятининг Сардоба тумани чегараларидан бошланиб, жанубий-ғарбий тарафда Нурота ва Туркистон тизма тоғлари, шимолда Арнасой, Айдаркўл оралиғини қамраб олган ҳолда Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани сарҳадларига қадар бўлган заминда ястаниб ётади. Вилоят ҳудуди икки томони тоғлар билан ўралган, ўртаси текисликдан иборат узун йўлакни эслатади. Унинг маркази Жиззах шаҳри ана шу йўлакнинг марказида қад ростлаган.

Жиззахнинг олис ўтмиш тарихи хусусида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ривоятлар, археологик материаллар, турли ёзма маълумотлар мавжуд. Уларда милоддан олдинги уч мингинчи йилликлардан бу ерда одамларнинг ўтроқлашиш, яшаш жараёнлари бошланганлигини намоён этувчи Пишоғордан топилган тош деворлардаги расмлар, петроглиф ёзувлар ашёвий далиллар ҳисобланади. Антик давр тарихчилари асарларида бу ўлка "Сўғд орти саклар ўлкаси" номи билан юритилади. Бу ўлкада еттита шаҳар бўлганлиги, шулар орасида Зомин, Жиззах, Сабот, Нужкат, Новкат каби қалъалар мавжудлиги тилга олинади. Кейинги давр муаррихлари асарларида бу ўлка Уструшона, деб аталади.

Уструшоналиклар юнон, араб, мўғуллар босқинлари даврида тарихчилар томонидан душманга қарши аёвсиз курашган эл вакиллари сифатида эътироф этилади. Жиззах манбаларда турли номлар билан қайд қилинади.

Муаллифи номаълум "Ҳудуд ул-олам" асарида Жиззахнинг ҳозирги ҳудудларида Зомин, Чарқон, Навинжкас, Дизак каби шаҳарлар мавжуд бўлганлиги хусусида маълумот берилади. Жумладан, "Дизак — шаҳарча, унда оқар сув бор. Унинг яқинида Мирсаманда деган жой мавжуд. Унда ҳар ойда бир кун бозор бўлади ва ўша куни ул бозорда икки юз минг динор миқдорида мол савдо қилинади дейдилар", деб ёзса, Абдулкарим ас-Самъоний "Алансоб" асарида "Самарқанддан Шошга кетиш йўли юқорисидаги катта қишлоқ. Бу қишлоқ Дизак, Сабот деб ҳам аталади", деган фикрни келтиради.

5➢

Бюджет ва бандлик масалалари — депутатлар эътиборида

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Кун тартибидаги масала муҳокамаси доирасида фракция аъзолари 2017 йилда Давлат бюджети ижтимоий харажатларининг аввалги йиллардаги каби устуворлиги сақланиб қолиши, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жойларни қуриш Дастури билан биргаликда жами харажатларнинг 59,7 фоизи ёки ялпи ички маҳсулотнинг 12,0 фоизини йўналтириш кўзда тутилаётганини эътироф этиб ўтишди.

Шунингдек, фракция аъзолари келгуси йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи тўловлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдори инфляция даражасидан юқори миқдорларда оширилишининг давом эттирилиши, бу билан уларнинг турмуш даражаси ва харид қобилияти янада ошишига имкон берилиши Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг электорати манфаатига мос келишини қайд этишди. Зеро, "Адолат" СДП юқори малакали мутахассислар, бюджет соҳаси ходимлари, педагоглар, шифокорлар, муҳандис-техник ва илм-фан вакиллари, хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларини социал-демократларнинг бош ижтимоий таянчи сифатида эътироф этиб келади.

Людмила КОШЕЛАПОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

– Келгуси йилда таълим харажатлари 18,0 фоизга ўсиши, бу харажатлар ЯИМга нисбатан 6,9 фоизни ташкил этиши кўзда тутилаётгани, шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилажак харажатлар ЯИМга нисбатан 2016 йилги 2,8 фоиз ўрнига 3,0 фоиз маблағни ташкил этиши назарда тутилаётгани Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад-вазифаларга тўла мослиги билан аҳамиятлидир. Бундан ташқари, 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳасида фан соҳасига ажратиладиган харажатлар жорий йилга нисбатан 13,0 фоизга ортиши режалаштирилмоқда. Бу маблағлар мамлакатимизда фанни янада ривожлантириш ва давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида илмий тадқиқот ва тажрибаконструкторлик ишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни жадаллаштиришга хизмат қилиши муқаррар. Айни пайтда сарфланадиган маблағларнинг манзиллилигини таъминлаш мақсадида фан соҳасининг айнан қайси муҳим йўналишлари учун ажратилишига оид маълумотлар давлат бюджети лойиҳасида аниқ ва асосли акс эттирилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, фракция аъзолари давлат бюджети лойиҳасида қишлоқ хўжалиги ташкилотларида энергия ҳажмини қисқартириш ва энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларга зарур маблағлар ажратилишини қўллаб-қувватладилар. Депутатлар давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида Молия вазирлигидан давлат бюджети лойиҳаси параметрлари билан боғлиқ қўшимча ахборотни тақдим этишлари мақсадга мувофиқлигини таъкидлашди.

Фракция аъзолари томонидан кун тартибидаги масала юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар вакилларига партия позициясидан келиб чиқадиган савол ва таклифлар йўлланди ҳамда 2017 йилга мўлжалланган Бюджетнома маъқулланди.

Шу билан бирга, йиғилишда "2017 йилга аҳоли бандлиги дастури" лойиҳаси тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири ўринбосари Б.Низомовнинг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, дастур лойиҳасида келгуси йил 789,6 минг иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, уни ишлаб чиқишда ҳудудлар ва тармоқларнинг ривожланиш хусусиятлари, меҳнат бозоридаги вазият, иш ўринларига бўлган эҳтиёж ва имкониятлар ҳар томонлама ҳисобга олинган.

Келгуси йилга мўлжалланган аҳоли бандлиги дастури туман ва шаҳарлар халқ депутатлари кенгашлари, барча даражадаги ҳокимликлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектларининг бевосита иштирокида ишлаб чиқилган бўлиб, унда янги объектларни ишга тушириш, фаолият юритаётган ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, қайта жиҳозлаш ва улардан тўлароқ фойдаланиш, тўхтаб қолган корхоналар, биринчи навбатда, саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларидаги корхоналарнинг фаолиятини тиклаш, инфратузилма, коммуникация, уй-жой қурилиш ҳажмларини кенгайтириш ҳисобига иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.

Қодир ЖЎРАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

– Меҳнат вазирлиги вакилининг ахборотидан кўриниб турибдики, 2017 йилда аҳоли бандлиги дастурига асосан барча туман ва шаҳарларда, биринчи навбатда, ёшларни, имконияти чекланган шахслар ва четдан келаётган меҳнат мигрантларини ишга жойлаштириш бўйича замонавий усуллар жорий этилиши назарда тутилган. Жумладан, бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкиллаштиришда тижорат банклари, солиқ органлари, "ягона дарча" хизматининг мутахассислари жалб этилиши кўзда тутилган. Бундай механизмлар ярмаркалар иштирокчиларига кредит олиш ва ўз бизнесини бошлашга кўмак вазифасини ўташи билан аҳамиятлидир. Шунингдек, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш учун ҳудудий меҳнат органлари фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан, иш қидиришнинг ихтисослаштирилган дастурларидан самарали фойдаланиш, вазирликнинг www.mehnat.uz ҳамда Давлат интерактив хизматларининг ягона портали – www.my.gov.uz вебсаҳифаларидаги бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар иш излаётган фаол фуқароларнинг ўзларига мос иш топишлари учун хизмат қилади. Бу, албатта, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этиш орқали очиқлик, ошкоралиқни таъминлаш, бандлик соҳасидаги янгиликлардан аҳолининг хабардорлигини оширишга доир дастурий мақсадларимизга ҳамоҳангдир.

Муҳокама жараёнида фракция аъзолари мазкур дастур инвестицион лойиҳалар ва бошқа иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш дастурлари билан ўзаро боғланганлиги, иш ўринларини яратиш ва бандликни таъминлаш бўйича эҳтиёжлар, ишга жойлаштиришнинг имкониятлари ва йўналишлари аниқлаштирилганлиги, ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига, жумладан, коллежларда тадбиркорлик фаолияти ва ишга жойлаштириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, интернетда махсус портал ташкил этиш, имтиёзли кредитлар ажратиш масалаларига эътибор қаратилганлиги билан олдинги дастурлардан фарқ қилишини қайд этишди.

Айниқса, таълим муассасалари битирувчиларининг ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминланиши назарда тутилаётгани "Адолат" СДП дастурий мақсадларига ҳамоҳанг эканлиги эътироф этилди.

Фракция аъзолари, шунингдек, дастурнинг бажарилиши устидан парламент назоратини кучайтириш ва жойларда уни амалга оширишда депутатлик бирлашмалари иштирокини кенгайтириш, яратилаётган иш ўринларининг сақланиши ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, меҳнат бозорида ўз мутахассислиги бўйича иш топишга қийналаётган фуқаролар, хусусан, ёшларни касбга қайта тайёрлаш ишларини тизимли йўлга қўйиш, меҳнат бозорига тайёр мутахассисларни тайёрлаш ишларини такомиллаштириш мақсадида олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида таълим сифатини янада яхшилаш лозимлигини таъкидладилар.

Йиғилишда бандлик масаласи жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши ҳамда "Адолат" СДП Сайловолди дастурида ушбу масалалар устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланганлигидан келиб чиқиб, келгусида унинг сифатли бажарилишини таъминлаш борасида мутасадди ташкилотлар масъулиятини янада ошириш чоралари белгиланиши мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари кун тартибидаги масала бўйича ўз таклиф-тавсияларини билдирдилар ва 2017 йилга мўлжалланган Бандлик дастури лойиҳасини маъқулладилар.

Саодат СОДИҚОВА, "Adolat" мухбири

БИРГАЛИКДА ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ САРИ

Нукус шаҳрида Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси қошидаги бошланғич партия ташкилотида "Сайлов — демократия кўзгуси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ҳуқуқий тамойиллар тарғиботи

Партиямизнинг "Биргаликда юксак ҳуқуқий маданият сари" лойиҳаси доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси даврида ҳудудда партия аъзоларининг муносиб иштирокини таъминлаш, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида БПТ аъзоларига атрофлича тушунчалар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Ерназар Қунназаров кенг тайёргарлик кўрилаётган муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг мамлакатимиз хаётидаги аҳамияти, истиқлол йилларида юртимизда сайловларнинг демократия тамойиллари асосида ўтказиб келинаётгани, уларда фуқароларимизнинг юксак ҳуқуқий маданият билан муносиб иштирок этаётганлиги хусусида сўз юритди.

Иштирокчилар партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари Ривож Отарбоевнинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзусидаги маърузасини тингладилар.

Р.Отарбоев тадбир қатнашчилари эътиборини мамлакатимиз сайлов тизимининг ҳуқуқий асосларига қаратиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги", "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида миллий сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари яратилгани, демократик тарзда сайловлар ўтказилишининг тартиб ва тамойиллари белгилаб берилганини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар чуқурлаштирилиши жараёнида киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар 2007 йилнинг апрель ойида қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонун билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу барча муҳим мезонлар давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришни назарда тутиши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга киритилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг олий қадрият даражасида улуғланиши, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги фаол иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланганини аниқ мисоллар билан келтириб ўтди.

Сайлов кампаниясининг навбатдаги босқичида ўтказилган ушбу давра суҳбати давомида иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этиб, партия ходимларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шарипа ТОРЕШОВА, Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

ЁШЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ

яққол намоён бўлмоқда

Давоми. Бошланиши 1-бетда

– Конституциямиз ва қонунларда белгиланган сайлов тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларда ёшларга бўлган яна бир ғамхўрлик ўз ифодасини топганини айтиш жоиз, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Якубов. – Мазкур нормалар ҳам ёшларнинг сиёсий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга, уларнинг ҳаётда, жамиятда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган.

Жумладан, Бош қомусимизнинг 117-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар", деб таъкидланган. Бу модда фуқароларнинг, жумладан, ёшларнинг фаол сайлаш ҳуқуқини белгилайди. Шунга асосан бошқа қонунларда ҳам мазкур тартиб ўз аксини топган бўлиб, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунларда Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгалиги кафолатланган.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ташкил этлишини эътиборга олсак, бу имкониятлар орқали вояга етган ва мустақил фикрга эга баркамол ёш авлодга кенг ҳуқуқ ва эркинликлар яратилиб, улар қонун нормаларида акс этганини англатади.

– Сайловлар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг энг муҳим сиёсий жараёнларидан бири саналади. Унда фуқароларимиз, айниқса, ёшлар очиқлик ва ошкоралик принциплари асосида ташкил этилган сиёсий жараёнда фаол иштирок этиши, ўзи истаган номзодга овоз бериш имкониятига эга бўладилар, – деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Одилжон Аманов. – Бу каби ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш учун барча фуқаролар, айниқса, биринчи маротаба сайловда қатнашаётган ёшлар сайловга оид қонунчилик талабларини яхши билишлари ва унинг моҳиятини чуқур англаб етишлари лозим. Хусусан, 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида партиямизнинг ҳудудий кенгашлари томонидан мамлакатимизда кўппартиявийлик асосида ўтказилаётган сайловларнинг моҳияти, уларда ёшларнинг иштироки ва унинг аҳамиятига қаратилган тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар сайловлар мамлакатимизнинг тақдирига, касбу коримиз, ёшимиздан қатъи назар, ҳар биримизга дахлдор масала эканлиги, шундай экан, Ватанимиз келажаги бўлган ёшларни юртимизнинг бугуни ва эртанги куни билан боғлиқ масала ҳал бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаоллик ҳамда масъулият билан иштирок этишга ундадилар.

Жонли мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида ёшлар депутатлар ва мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Феруз ЖЎРАЕВ, Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

Сайлов округида иш қизғин

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Матбуот маркази ходимлари, албатта, сайловга кўрилаётган тайёргарлик ва унинг боришини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида эканлигини яхши тушунадилар. Бутун фаолият ана шу мақсадни кўзлаган ҳолда ташкил этилмоқда. Матбуот марказида 3 та гуруҳ тузилган ва ўз соҳасига ихтисослаштирилган. Уларнинг бири электрон оммавий ахборот воситалари, бошқаси босма, кейингиси эса интернет нашрлар билан ҳамкорликда иш юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ва сайловнинг ўтиши холисона ёритиб борилишини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларининг вакиллари аккредитациядан ўтказилишини сўраб ёзган аризалари ўз вақтида ўрганиб чиқилди ва қондирилди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ, 6-Наманган округ сайлов комиссиясининг қарори билан шу кунга қадар 20 дан зиёд ОАВнинг қирқ нафардан ортиқ ходими аккредитациядан ўтказилди. Ҳар ҳафта марказий ва маҳаллий нашрларда, телевидение ва радиода кўплаб материаллар ёритилмоқда.

Матбуот маркази ходимлари Марказий сайлов комиссияси тасдиклаган сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш бўйича тадбирлар дастурини амалга оширишга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Мазкур ҳужжатда истиқлол йилларида шаклланган миллий сайлов тизимининг, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун ва унга кейинги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг, Марказий сайлов комиссиясининг сайловга оид қарорлари ҳамда сайловчилар ҳуқуқ ва эркинликларининг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш кўзда тутилган. Шу муносабат билан Наманган шаҳар ҳокимлигининг "Наманган садоси" газетаси ўз саҳифаларида "Сайлов қонунчилигини ўрганамиз" рукнини очди. Ушбу рукн остида берилаётган материалларда мавзуга оид саволларга жавоблар эълон қилинмоқда. Уларни тажрибали ҳуқуқшунослар ва журналистлар ўзаро ҳамкорликда тайёрламоқдалар.

Ёки Косонсой туман ҳокимлигининг "Косонсойнома" газетасини олайлик. Мазкур нашр саҳифаларида айнан сайлов қонунчилигига доир масалалар ёритилмоқда. "Президент сайловини ўтказиш принциплари нималардан иборат?" ҳамда "Округ ва участка сайлов комиссияларига кимлар аъзо бўла олади?" каби саволларга жавоблар газетхонлар эътиборини тортмоқда.

Матбуот марказида иш ҳар куни эрталаб қисқа йиғилишдан бошланади. Раҳбар Жумабоева, Акрам Сатторов, Нилуфар Ниёзова, Обид Парпиев ва Ўғилой Болтабоева ўзларига бириктирилган йўналишлар бўйича тайёрлаган маълумотларини баён қиладилар. Соҳибжон Рапиқов эса уларни умумлаштиради, Марказий сайлов комиссияси ва унинг қошидаги матбуот маркази янгиликларидан хабардор қилади. Шундан кейин қилинадиган ишлар режалаштириб олинади.

Ҳа, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган сайлов округи ҳудудида ушбу муҳим сиёсий тадбирга ана шундай тайёргарлик кўрилмоқда.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН:

навбатдаги босқич

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ партия номзодини қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тўплаш ишлари ҳам ҳудудий ва маҳаллий сайлов штаблари томонидан уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказилганлигини қайд этди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП ваколатли вакили "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24^2-моддасига асосан сиёсий партия раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб ёзилган ариза ҳамда унга илова қилиб, партия Қурултойининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, Қурултой мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига тақдим қилди.

Марказий сайлов комиссияси вакиллари тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб, уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса берилишини қайд этишди.

Ҳозирги кунда Марказий сайлов комиссиясида имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича эксперт-лар гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг таркибида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ички ишлар, адлия органларининг мутахассислари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати

Сайлов кампаниясида

хотин-қизлар иштироки муҳокама этилди

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги ҳудудий тузилмалари, Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, "Олима аёл" уюшмаси, "Оила" илмий-амалий маркази ходимлари ва фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган иштирокчилар юртимизда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, мамлакатимиз хаётининг барча соҳаларини тубдан янгилаш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиб келаётган, демократик стандартларга мос бўлган сайлов тизими яратилганлигини эътироф этишди.

— Жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Президент сайловида 21 435 009 нафар юртдошларимиз, шу жумладан, 10 825 641 нафар хотин-қизлар иштирок этишни инобатга олиб, биз, хотин-қизлар ҳамкор давлат ва жамоат ташкилот вакиллари билан биргаликда жойлардаги олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотлардаги меҳнат жамоаларида аҳолининг кенг қатлами, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар, жумладан, биринчи маротаба овоз берувчи фуқаролар, нуронийлар, имконияти чекланган шахслар орасида аҳолининг сайлов ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтиришда фаол иштирок этишимиз лозим, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Баситханова. — Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларда хотин-қизлар, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш бўйича тарғибот ишларининг изчил олиб борилиши, уларнинг ўз овози давлатимиз ва жамиятимизнинг келгуси тараққиёти учун юят муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаб етишларига хизмат қилиши муқаррар.

Тадбир якунида иштирокчилар мутахассис ва экспертлардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шаҳло ТЎРАЕВА, "Adolat" мухбири

Миллий ва халқаро кузатувчилар иштироки

сайловнинг ошкоралиги, очиқлиги ва шаффофлигини кўрсатади

Сайловнинг энг муҳим тамойилларидан ҳисобланган очиқлик ва ошкоралик умумэътироф этилган миллий сайлов қонунчилигимиз ҳамда халқаро меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Сайлов жараёнида жамоатчилик ва халқаро кузатувларни амалга ошириш учун шароит яратиш катта аҳамиятга эга. Суҳбатдошимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти, юридик фанлар доктори Гулноза ИСМОИЛОВА билан сайлов кампаниясида кузатувчиларнинг иштироки, миллий ва халқаро кузатувчиларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари мавзусида мулоқот қилдик.

— Сайлов кампаниясида кузатувчиларнинг иштирок этиши сайлов натижаларининг ошкоралиги ва ҳаққонийлигининг юят муҳим кафолатидир. Сайлов кампаниясини ташкил этишда ошкоралик муҳитининг яратилиши, сайлов куни сайлов участкаларида кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайловнинг адолатли эканлигига жамоатчиликнинг ишончи ортишини, фуқароларнинг сайлов жараёнида фаол иштирокини таъминлайди.

Кузатувчилар муҳим сайлов-технологик вазифани ҳам бажарадилар: овозларни санаб чиқишни кузатган ҳолда улар овоз натижаларининг умумий якунлари аниқланишини таъминлайдилар, назорат усулларини қўллаб, кузатувлар натижасида тўпланган ахборот манбаи асосида сайлов расмий якунларига ҳаққоний баҳо ва хулоса берилиши мумкин. Сайлов тартиб-таомилларининг бузилганлиги кузатувчилар томонидан аниқланганлиги ва таҳлил натижалари сайлов қонунчилиги ҳамда сайлов технологиясини такомиллаштириш имконини беради.

— Айтинг-чи, сайлов кампаниясида хорижий кузатувчиларнинг иштироки нечоғлик муҳим аҳамиятга эга? Уларнинг фаолияти қандай ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади?

— Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни кузатишда хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг иштироки сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашнинг муҳим чоратадбирларидан биридир. Бу демократик сайлов стандартларидан бири сифатида давлат томонидан ўз халқаро мажбуриятларига риоя этилишига кўмаклашади. Сайловда хорижий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов натижаларининг қонунийлик даражасини аниқлаш сингари асосий вазифасидан ташқари миллий қонунчиликни ва сайлов тартиб-таомилларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш имконини беради.

Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунлари, МДҲга аъзо давлатларда демократик сайловлар стандартлари, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги конвенция (2002 й.) ва бошқа халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинади. Халқаро кузатувчи ушбу давлат ҳудудида унинг ҳимоясида бўлади.

Бундан ташқари, 2002 йил 7 июнда имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясининг 14-моддасига мувофиқ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги низом тасдиқланган.

— Хорижий кузатувчиларнинг ваколатлари ҳақида маълумот бер-сангиз.

— Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ваколатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг белгиланган намунаси берилган кундан эътиборан бошланади. Бу гувоҳнома сайлов кампаниясини ўтказиш даврида уларнинг фаолияти учун асос ҳисобланади ва сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш вақтида халқаро кузатувчига кузатувни амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Халқаро кузатувчи ўз фаолиятини мустақил тарзда амалга оширади. Уларнинг моддий-маиший таъминоти вакил сифатида уларни юборган давлат, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар ҳисобидан ёки уларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан таъминланади.

Халқаро кузатувчилар сайлов кампаниясининг боришини кузатишга тааллуқли бўлмаган фаолиятни амалга оширишда ўз мақомидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Тарафлар қонунларни, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини бузган халқаро кузатувчиларни аккредитация ҳуқуқидан маҳрум қиладилар.

Кузатувчилар мандатни қанча барвақт олсалар, сайловга тайёргарлик жараёнини шунча кўп вақт кузатиш имконига эга бўладилар. Бу сайловга тайёргарлик ишларининг тўғри ташкил этилишини кафолатлайди.

— Умуман олганда, хорижий ёки миллий кузатувчиларнинг асосий вазифаси нималардан иборат?

— Кузатув сайловчилар рўйхатини тайёрлаш ишларини, участка сайлов комиссияларини тузишни, сайловолди кампаниясининг ишларини кузатиб бориш, сайлов куни кузатув олиб бориш, овозларни санаб чиқишда ҳозир бўлиш, аризаларни бериш жараёнини кузатиб боришни ўз ичига олади. Кузатувни сайлов участкаларида сайлов ўтказилишига масъул деб тайинланган шахслар; партия кузатувчилари, номзоднинг вакиллари, сайловнинг ҳаққоний ўтказилишини таъминлайдиган, ўз партияси, ўз номзоди манфаатларининг чекланишига йўл қўймайдиган манфаатдор шахслар; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан биттадан кузатувчи, мустақил кузатувчилар, жараённи таҳлил қилишдан манфаатдор шахслар, шунингдек, ҳам текширувчи, ҳам ёритувчи ролини бажарадиган оммавий ахборот воситалари амалга ошириши мумкин.

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловга кечи билан ўн беш кун қолганида маълум қиладилар. Кузатувчиликка номзодлар тўғрисидаги тўлиқ ахборот ва маълумотлар комиссияга тақдим этилади. Овоз бериш ва сайлов ўтказилгунга қадар ўн беш кундан кам вақт қолган бўлса, округ сайлов комиссияси кузатувчиликка номзодлардан ариза қабул қилмайди.

Округ сайлов комиссияси манфаатдор ташкилотлардан ариза олинганидан кейин беш кун ичида тегишли тартибда мандатни кузатувчи учун беради. Мандат намунаси Ўзбекистон ҳудудида ягона ҳисобланади. Марказий сайлов комиссияси партиялар, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар кузатувчилари учун мандат намунасини белгилайди.

Кузатувчининг мандати унинг мақомини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Ҳужжат паспорт ёки унинг ўрнига шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда ҳақиқийдир. Сайлов участкасига кузатувчининг юборилганлиги тўғрисида участка сайлов комиссиясини олдиндан хабардор қилиш талаб қилинмайди.

Умуман олганда, кузатувчилар фаолиятини икки даврга бўлиш мумкин. Яъни овоз берилгунга қадар бўлган фаолият ва сайлов куни овоз бериш жараёни устидан амалга ошириладиган кузатув шулар жумласидандир.

— Хўш, сайловга қадар кузатув билан сайлов кунидаги кузатувнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда намоён бўлади?

— Овоз берилгунга қадар бўлган фаолият сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш учун тайёрланган ҳоналарни, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини кузатишдан иборат. Сайлов куни кузатувчилар овоз беришнинг ўз вақтида бошланишини, фуқароларга шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида биттадан сайлов бюллетенларининг берилишини, овоз беришнинг бориши ва овоз бериш жараёнининг ўз вақтида якунланишини кузатадилар.

Овоз бериш куни номзодлар, шунингдек, хорижий (халқаро) кузатувчилар тегишли ҳар бир участка сайлов комиссиясига бир нафар номзоддан кузатувчи юборишга ҳақли. Мазкур кузатувчилар участка сайлов комиссиясида овозларни санаб чиқиш якунлангунга қадар ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга.

Овоз бериш якунлангач, кузатувчилар овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг овоз бериш натижалари бўйича баёнларини тузишда ҳозир бўладилар. Участка сайлов комиссияси аъзосининг ёки кузатувчининг сўровига кўра, участка сайлов комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини бериши шарт.

Агар кузатувчиларда сайлов участкасида қонунбузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қиладилар. Юқори сайлов комиссияси ахборотни кўриб чиқиши ва кузатувчиларга тегишли жавоб қайтариши шарт.

Айни пайтда кузатувчилар ҳаракатига оид бир қатор тақиқлар мавжуд. Бу норма аҳоҳида амалий аҳамиятга эга.

Дейлик, кузатувчининг хатти-ҳаракати яширин овоз бериш тартиб-таомилини бузса ёки у сайловчининг хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир ўтказса, у дарҳол овоз бериш биносидан чиқариб юборилади. Бу ҳақда участка сайлов комиссияси томонидан қарор қабул қилинади. Кузатувчилар сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида ҳозир бўлмасликлари лозим. Агар кузатувчи овоз бериш вақтида сайловчи билан кабинада бўлса, бу қонунбузилишига йўл қўйилган деб ҳисобланади. Бошқача айтганда, кузатувчиларнинг сайловчиларга бевосита ёки бошқа усуллар билан таъсир ўтказишга, ташвиқот олиб боришга ёки бирон-бир номзод ҳақида материал тарқатишга ҳаққи йўқ.

Шунингдек, кузатувчиларга сайловчилар кабинадан чиққандан кейин уларнинг кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ҳам ман этилади. Агар кузатувчи овоз бериш биносида овоз бериш жараёнида сайловчилардан уларнинг кимни ёқлаб овоз бериш истагида эканликларини суриштирса, бу яширин овоз бериш тартиб-таомилини бузганлик, деб баҳоланади.

Бундай ҳолларда участка сайлов комиссиясининг раиси бундай ҳаракатларни содир этмаслик ҳақида кузатувчини огоҳлантириши зарур.

Кузатувчиларнинг бундай ҳаракатларини тақиқлайдиган ушбу қоидалар сайловни адолатлилик асосида ўтказиш, шунингдек, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш принципларини амалга оширишнинг кафолати ҳисобланади.

Шунингдек, кузатувчиларнинг овоз беришни ташкил қилишда иштирок этишлари қонунда назарда тутилмаган ва кузатувчилар томонидан сайловчиларга сайлов бюллетенини бериш тақиқланади. Агар сайловчи кузатувчидан сайлов бюллетенини олаётганда имзо қўйишда ёки сайлов бюллетенини тўлдириб беришда ёрдам сўраб мурожаат қилса, сайловчининг илтимосини бажаришга кузатувчининг ҳаққи йўқ.

Кузатувчиларга участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашиш ва фикр билдириш ман этилади. Улар фақат қонунийликка риоя этилишини кузатадилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аҳолининг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ҳар томонлама ўзида намоён қилувчи муҳим сиёсий жараёнда кузатувчиларнинг иштироки сайловнинг ошкоралиги, очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаши билан аҳамиятлидир .

"Adolat" мухбири Саодат СОДИҚОВА суҳбатлашди.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

— 4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидан бир неча кун аввал хизмат сафари билан хорижий давлатга кетишимга тўғри келаяпти. Сайлов куни Ўзбекистонда бўлмаслигим туфайли муддатдан аввал овоз бериш ҳуқуқимдан фойдаланиш ниятидаман. Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Ф.Абдуалимов, Тошкент шаҳри

— Сайловга оид миллий қонунчилигимизда, хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 31-моддасида муддатдан олдин овоз бериш тартибига оид муносабатлар тартибга солинган. Мазкур моддага асосан, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

— Қандай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод рўйхатга олинмайди?

Р.Насимов, Тошкент вилояти

— "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддасига кўра қуйидагилар:

— қасддан содир этилган жиноят учун илгари судланган фуқаролар;

— ўзларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги муносабати билан қонун томонидан тақиб этилаётган фуқаролар;

— диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

— Сайлов комиссиялари аъзолари учун қандай чекловлар мавжуд?

С.Камолова, Тошкент шаҳри

— Замонавий демократик сайловларни ташкил этиш юзасидан жаҳон стандартлари даражасида эътироф этилган андозалардан бири сайлов органлари (комиссиялар)нинг ўз ваколати доирасидаги эркинлиги ва мустақиллигидир. Шундан келиб чиқиб, қонунчилик томонидан баъзи чекловлар ўрнатилган.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 19- моддасига биноан:

— сайлов комиссияларининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас;

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари сайлов комиссияларига аъзо бўлиши мумкин эмас;

— Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос А.РАҲМОНОВ жавоб берди.

Амалий ишлар кўпаймоқда

фуқароларнинг партиямизга ишончи, хайрихоҳлиги ортаяпти

Дарҳақиқат, буни биз саноатлашган Муборак туманида мулоқотда бўлган кўплаб фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам яққол ҳис этдик.

— "Қарлиқ" қишлоғида истиқомат қиламан, — дейди ёш мутахассис Севара Тўраева. — Бир неча ойдан буён ўз касбим бўйича ишга жойлашиш масаласини ҳал этишга қийналаётган эдим. Бундан икки ой муқаддам халқ депутатлари туман Кенгашидаги "Адолат" СДП гуруҳига ариза билан мурожаат қилгандим. Депутат Рустам Баратовнинг аралашуви, амалий ёрдами туфайли тумандаги саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига сентябрь ойида ишга қабул қилиндим.

"Сариқ" қишлоғида яшовчи Мақсуда Шамсиева ҳам "Адолат" СДП депутатларидан мамнун эканини айтди.

— Депутат Рустам Баратовга ўз мутахассислигим бўйича ишга киришда қийналаётганимни баён қилган эдим, — деди М.Шамсиева. — Р.Баратов тумандаги бандликка кўмаклашувчи марказ билан боғланиб, саноат йўналишидаги касб-ҳунар коллежида муқим иш жойига эга бўлишимга ёрдам берди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Депутатлик гуруҳи аъзоларининг саъй-ҳаракати билан фуқароларни ўйлантириб келаётган бир қатор муаммолар ўз жойида ечим топмоқда.

— Депутат Р.Баратов туман партия кенгаши ҳузуридаги жамоатчилик қабулхонасига фуқаролардан тушаётган ариза ва шикоятлар ўз вақтида ўрганилиши ва уларда келтирилган масалалар қонуний ҳал этилишида ибрат кўрсатмоқда, — дейди партиянинг туман кенгаши референти Маҳлиё Халилова. — Унинг жонкуярлиги, фидойилиги туфайли шу йилнинг ўзида тумандаги касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 20 нафардан зиёд ўғил-қизлар Муборак газни қайта ишлаш заводи ва Муборак унитар шўъба корхонаси таркибида фаолият олиб бораётган хизмат кўрсатиш тармоқларида иш билан таъминландилар.

Айтиш жоизки, "Адолат" социал-демократик партиясининг Муборак туман кенгашида депутатлар иш услуби, фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг таъсирчан воситаларидан фойдаланиб келишмоқда. Депутатларнинг ҳисоботларини эшитиш, улар иштирокида жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ижро ҳокимиятига зарур таклифлар киритиш, фуқаролар билан учрашувлар уюштириш шулар жумласидандир. Бундан кўзланган мақсад — партия нуфузини оширишга имкон берадиган амалий ишларни кўпайтиришга ягона сиёсий позицияда туриб ҳаракат қилиш, бир-бирини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Шу ўринда яна бир мисол келтирсак. Депутатлик гуруҳи аъзоси Рашид Ибрагимов ташаббуси билан ўзи фаолият олиб бораётган халқ депутатлари туман Кенгашидаги "Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, коммунал-хўжалик, аҳолига хизмат кўрсатиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси"да жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида тўртта долзарб масала муҳокама қилиниб, бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Улар ички йўлларни асфальтлаш, аҳоли хонадонларини табиий газ ва электр энергияси ҳамда аҳоли томорқаларидаги қишлоқ хўжалик экинларини оқар сув билан таъминлашга доир масалалардан иборат.

Депутат Ҳазрат Каримов ҳам фуқаролар мурожаатларига ўз вақтида ечим топишда бошқа партиядошларига ўрнак бўлаётир. Масалан, "Хитой" қишлоғи аҳолиси депутатга қишлоқ врачлик пунктини замонавий, янги тиббий асбоб-ускуналар ва қаттиқ, юмшоқ жиҳозлар билан таъминлаш, шунингдек, 17-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчилари ойлик иш ҳақларини ўз вақтида олишини таъминлаш хусусида мурожаат қилишган эди. Шу йилнинг август-сентябрь ойларида Ҳ.Каримов туман молия бўлими раҳбари ва туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номига депутатлик сўрови юборди. Ушбу масалалар тезда ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

— Туманимиз вилоят марказидан анча олисда жойлашган, — дейди депутатлик гуруҳи аъзоси Зайнаб Ҳасанова. — Шу туфайли бўлса керак, айрим қишлоқлардаги тиббиёт муассасаларида олий маълумотли шифокорлар етарли эмас. Тўғри, ҳозир вилоятимиздан ҳам кўплаб ёшлар тиббиёт йўналишидаги олий таълим даргоҳларида таълим олмоқда. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатадики, битирувчи талабаларни ишга жалб қилиш яхши йўлга қўйилмаган. Бу йўналишда олий ўқув юртини битирган ёшларнинг аксарияти шаҳар, вилоят, туман марказларидаги шифохоналарга ишга жойлашаяпти. Депутатлик гуруҳимиз аъзолари ушбу муаммони атофлича ўрганиб, депутатлик гуруҳи йиғилишида муҳокама этишди. Депутатлик гуруҳи йиғилишининг қарорига мувофиқ тақдим этилган мазкур муҳим масала халқ депутатлари туман Кенгашининг "Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси" ҳамда "Ижтимоий-маданий ривожланиш ва ёшлар сиёсати ҳамда соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссия"ларида ҳам кўриб чиқилди. Айни пайтда эса ушбу масалалар юзасидан тайёрланган таклиф ва комиссия қарори халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида муҳокама этиш учун тақдим қилинган.

Депутатлик гуруҳи аъзолари туманда юзага келаётган банклардаги аҳолини нақд пул билан таъминлаш, ички бозорда сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишининг олдини олиш, маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш сингари дастурларнинг бажарилишини мониторинг қилиб бориш каби вазифаларни бекаму кўст адо этмоқдалар. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан турли мутасадди идораларга юборилган 49 та депутатлик сўровининг барчаси ўз вақтида ижобий ҳал этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, партия ташкилотлари билан депутатлик гуруҳи ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб бораётгани ўз самарасини бермоқда.

Комил САХАТОВ,
"Adolat" мухбири

Ҳар бир сиёсий партиянинг фуқаролар ва кенг жамоатчилик орасидаги обрў-эътиборини ошириш, аҳолининг унга нисбатан ишончини мустаҳкамлаш бевосита маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятига ҳам чамбарчас боғлиқ.

Яратилган қулайликлардан

фуқаролар мамнун

Шуни назарда тутиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилоятидаги қуйи ташкилотлар кенгашлари маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлар фаоллигини кучайтиришга эътибор қаратишмоқда.

Халқ депутатлари Денов туман Кенгашидаги партия гуруҳида 8 нафар депутат бор, улар ҳудудда фуқароларни ўйлантираётган мавжуд муаммоларга ечим топишда муайян натижаларга эришмоқда.

Жумладан, 10-"Гулистон" сайлов округидан сайланган депутат Алишер Йўлдошевнинг "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси номига тумандаги "Гулистон" ва "Ш.Рашидов" маҳаллалари ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларда фойдаланилаётган табиий газ босими пастлиги ҳамда ушбу муаммони бартараф этиш юзасидан ёзган депутатлик сўрови ижобий ҳал этилди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 2 км. дан ошиқроқ масофага янги газ қувурлари ётқизилиб, ҳудуд аҳолисининг табиий газга бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш имконияти яратилди. "Гулистон" ва "Ш.Рашидов" маҳаллаларини туташтирувчи катта Денов ариғи кўпригидан ўтувчи автомобиллар сони кўплиги пиёдалар учун ноқулайликлар туғдираётган эди. Депутат Алишер Йўлдошевнинг ташаббускорлиги ва интилувчанлиги боис масъул ташкилот ва ҳомийлар жалб этилган ҳолда пиёдалар учун алоҳида янги кўприк барпо қилинди. Бу қулайлик туфайли йўл хавфсизлиги таъминланганидан фуқаролар мамнун бўлишди.

— Аҳолининг ижтимоий аҳволини баркарорлаштириш, тумандаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, электр энергия, табиий газ ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун яратилган имкониятлар қўламини кенгайтириш сайловолди дастуримдан ўрин олган эди, — дейди Алишер Йўлдошев. — Сайловчилар ишончига сазовор бўлганим менга бу вазифаларни рўёбга чиқариш имконини берди.

Депутатлик гуруҳи аъзолари сайловчилар билан доимий мулоқот ўрнатишган, учрашувларда ўртага ташланган мулоҳаза ва муаммолар ишончли вакилларнинг диққат марказида бўлмоқда. Халқ депутатлари Денов туман Кенгашига 22-"Денов" сайлов округидан сайланган депутат Ислом Худойбердиев фуқароларнинг мурожаатларида келтирилган масала ва таклифларни ўрганиб, амалий ишлар қилмоқда. Депутут ташаббуси билан ана шундай таклифлар асосида масъул ташкилотлар ҳамкорлигида "Бибисарпушта" зиёратгоҳида қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, зиёратчилар учун қулайликлар яратилди. И.Худойбердиев мутасадди ташкилотларга киритган депутатлик сўрови натижасида тумандаги "Дўстлик" маҳалласи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаб турувчи насос таъмирлангани ҳам маҳалла аҳлига яна бир қулайлик бўлди.

Мақсуд ТЎРАЕВ,
Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Дорихона муассасаларида

амалдаги қоидаларга риоя этилиши ўрганилди

Аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, дори воситаларининг ноқонуний айланиши, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, давлат дорихона муассасалари тармоғини кенгайтириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, дори-дармонлар нархини пасайтириш омили сифатида улар учун чекланган рентабеллик даражасини ўрнатиш, аҳолини давлат дорихоналари муассасалари орқали эҳтиёжни қоплайдиган ҳажмда дори воситалари билан таъминлаш каби долзарб вазифалар Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида илгари сурилган.

Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашидаги партия гуруҳи ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги "Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида"ги ва 2000 йил 5 августдаги "Ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларининг Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарларидаги ижроси юзасидан ўрганишлар олиб борилди.

Мазкур ўрганишларда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Манзура Салимова бошчилигида Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатаётган 107 та, Марғилон шаҳридаги 51 та, Қувасой шаҳрида эса 8 та дори воситалари билан савдо қилувчи дорихоналар фаолияти ўрганилди.

Депутатлик гуруҳининг август ойида бўлиб ўтган йиғилишида ушбу ўрганиш натижалари атрофлича муҳокама қилинди. Унда аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш, зарур дори воситаларини шаҳар дорихоналаридан топа олиши учун фуқароларга имкониятлар яратилганлиги, мазкур муассасалар белгиланган тартибда ишлаётганлиги эътироф этилди. Шу билан бирга, назорат жараёнида дорихоналар фаолиятида камчилик ва нуқсонлар ҳам борлиги кузатилгани таъкидланди.

— Амалдаги қоидаларга мувофиқ импорт бўйича келтириладиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари, товар етказиб беришда қатнашувчи воситачиларнинг сонидан қатъи назар, сотиб олиш қийматининг (базавий нархининг) 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда улгуржи-чакана савдо устамаси қўлланган ҳолда сотилади, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, вилоят партия кенгаши раиси Маъруфжон Холдаров. — Маҳаллий дори воситалари бўйича эса дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб беришда қатнашувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдордаги чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда шартномавий нархлар бўйича улгуржи ва чакана савдо тармоғи орқали сотилиши белгиланган. Аммо бир неча дорихона муассасаларида дори-дармон нархларининг асоссиз равишда ошириш ҳолатлари учрамоқда.

Жумладан, Фарғона шаҳридаги "Far Nikom Farmed" хусусий дорихонасида "ировир – С" импорт дори воситаси 167302 сўм сотилиши лозим бўлсада, 178000 сўм, яъни – 35 фоиз устама қўйилгани, "Abdusalom Xoji" дорихонасида "Курантил № 25" импорт дори воситаси 20 фоиз устама қўйганда 30500 сўм сотилиши ўрнига 34200 сўм, яъни – 32 фоиз устама билан, "Mezon" ишлаб чиқариш савдо тижорат фирмасида "Лоринден" (15г.серия-506082) дори воситаси 17500 сўм, яъни 40 фоиз устама, "Sher Farm Med" дорихонасида "Vitrum" (Пренатал С We №248) дори воситаси 160000 сўм, яъни 43 фоиз устама қўйиб сотилаётгани аниқланди. Худди шу каби Марғилон шаҳридаги "Бурж" дорихонасида 25730 сўмдан сотилиши лозим бўлган "Зокардис" дори воситаси 30000 сўмдан, "Vodiy Garant Farm" дорихонасида "Церебролизин" дори воситаси 179900 сўм ўрнига 213000 сўмдан, 76934 сўмдан сотилиши лозим бўлган "Клексан" 110000 сўмдан, "Giyoh" дорихонасида "Эссенциале" дори воситаси 86916 сўм ўрнига – 90000 сўм, "Кетонал" 38300 сўм ўрнига 45000 сўмдан сотилаётгани қайд этилди.

Марғилон шаҳридаги "Al-Farm", "Med Farm Servis Farg'ona", "Saxovat Inson Bezagi", "Giyoh" дорихоналарида ходимлар учун ажратилган хоналарнинг санитария ҳолатини қониқарли деб бўлмайди, савдо зали ва омборхонада дори воситаларини сақлаш талабларига риоя қилинишида ҳам баъзи камчиликлар бор.

Шунингдек, айрим дорихоналарда ходимларни тиббий кўрикдан ўтиш муддатларига риоя этилмагани ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Ўрганиш жараёнида "Marg'ilon Shuhrat Servis" хусусий корхонасида, Фарғона шаҳридаги "Xurmo", "Sog'lom" хусусий фирмалари, "Dovudbek Farm", "Alzaf-Servis", "Vodiy Farm Progress" "Toshloq Trans Servis" масъулияти чекланган жамиятлари, "Фар-Водий-Фарм" ишлаб чиқариш савдо фирмаси, "Kamron-Kozim Farm", "Marjona Zaffar", "Asadbek Farm Savdo", "Far Shoh Hayotbek", "Muhayyo Ruhshona Farm", "Malham" хусусий корхоналари дорихона муассасалари томонидан бир қатор дори-дармон воситаларининг кирим ҳужжатлари (счет-фактуралари) йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Айрим дори воситаларининг бир неча дорихоналарда сотувдаги нархи солиштирилганда фарқ анча сезиларли экани кузатилди. Масалан, Фарғона шаҳрида "Элевит" дори воситаси "Sino-Invest" дорихонасида – 172329 сўм, "Alzaf-Servis" МЧЖда 320000 сўм, "Sog'lom" хусусий фирмасида – 245000, "Farg'ona Farm Savdo" МЧЖ 1-сонли шохобчасида – 300000, "Farg'ona Farm Savdo" МЧЖ 2-сонли шохобчасида – 250600, "Vodiy Evro Farm Plyus" МЧЖда 168000 сўмдан сотилаётгани каби ҳолатлар истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаяпти.

— "Республика дорихона муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотиш қоидалари"да чекланган чакана нархларда сотиладиган ва барча дорихона муассасаларида мавжудлиги мажбурий бўлган 20 та энг зарур дори-дармонлар рўйхати белгиланган, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Икромжон Ҳасанов. — Фарғона шаҳридаги "Kamron Kozim Farm", "Sil'van", "Saltanat – A", "Med Prestij Farm", "Farg'ona Al-Halim" хусусий дорихоналарида мазкур дори-дармонларнинг айрим турлари мавжуд эмаслиги кўзга ташланади. Қувасой шаҳридаги "Қувасой Кудайбергенова Майсара" дорихонасида доимий бўлиши шарт экани белгиланган дори-дармонларнинг 3 тури йўқлиги, яроқлилик муддати ўтган дори воситалари сотувда борлигига асло лоқайд қараб бўлмайди. "Дониш-Фарм" дорихонасига қарашли ҳудудда санитария қоидаларига етарлича риоя қилинмаётгани, "Тайлол Хот" дори воситасининг счёт-фактураси йўқлиги, "Fartuna Yur" дорихона муассасасида дори воситалари билан бирга кир ювиш ва парфюмерия маҳсулотлари ҳам савдога қўйилгани афсусланарлидир.

"Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг "Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи ижроси ҳам депутатлар назоратидан четда қолмади. Фарғона шаҳридаги "Xurmo" дорихонаси ва бошқа айрим дорихона муассасаларининг савдо зали ва омборхонасида белгиланган талабларга етарлича амал қилинмаётганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Марғилон шаҳридаги дорихона муассасаларида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сақлашни ташкил этиш бўйича 3 та дорихонада йўриқномага амал қилинмаганлиги, Қувасой шаҳридаги айрим дорихоналарда дори воситаларини сотиш вақтида кассага кирим қилинмаётганини ҳам жиддий камчиликлар сифатида баҳолаш мумкин.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Манзура Салимованинг таъкидлашича, дорихона муассасалари масъул шахс ва ходимларига йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан қонунчиликда белгиланган қоида ва меъёрлар мазмунмоҳияти ва унга риоя қилиниши борасида тушунчалар ва тавсиялар берилди.

Йиғилиш иштирокчилари дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиш фаолиятини амалга оширишда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, бундай ҳолатларнинг олдини олишда депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигини алоҳида қайд этишди.

Комила ИСРОИЛОВА,
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

Давоми. Бошланиши 1-бетда

БУНЁДКОРЛИК МЎЪЖИЗАЛАРИ

Маълумки, Жиззах темурийлар даврида мамлакатнинг йирик қўрғон ва қалъаларидан бири сифатида эътироф этилган. Бу ерда катта қўшин сақланганлиги, шунингдек, мамлакатнинг савдо йўлларидаги осойишталикни таъминлашга хизмат қиладиган алоҳида лашкарлар бўлинмалари жойлашганлиги тилга олинади. Ушбу маълумотлар шаҳарнинг ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларда савдо маркази сифатида шаклланганлигини кўрсатади.

— Дизак қалъасининг қадимий ўрни шаҳарнинг жанубий шарқ қисмида вайрона тепаликлар остида сақланиб қолган, — дейди археолог Мухтор Пардаев. — Тепаликнинг марказий қисмларини очиб ўрганганимизда шаҳарнинг арк ва шаҳристон қисмининг айрим нуқталари ҳақида маълумотларга эга бўлдик. Баъзи тарихий манбаларда уни дизқалъа, ак-кичик маъносини билдирувчи кичик шаҳар мазмунини англатади, деб ёзишади. Археологик қазишмалар эса унинг кичик қалъа эмас, тахминан 50-60 гектар ҳудудни эгаллаган катта шаҳар бўлганлигини кўрсатди. Археологик қазишмалар пайтида эски қалъа вайроналаридан милодий эра бошларидан то XV-XVII асрларга қадар ясалган хумлар, кўзалар қолдиқлари, зардуштийларнинг остодонлари синиқлари, ҳар хил даврларда яшаган ҳукмдорлар томонидан зарб қилдирилган тангалар намуналари топилди. Шаҳарда турли миллат вакиллари яшашган. Бу ер нафақат савдо маркази, балки маданиятлар чорраҳасидаги шаҳар сифатида ҳам шаклланган. Бугунги Жиззах шаҳри ана шундай тарихий масканда барпо этилган.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз Биринчи Президенти саъй-ҳаракати билан Жиззахда қайта қуриш, бунёдкорлик, уни миллий ва замонавий шаҳар сифатида янгидан барпо этиш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Бунда вилоятдаги иқтисодий юксалиш, ишлаб чиқаришнинг тараққиёти муҳим омил бўлди. Айтайлик, шу йилнинг биринчи ярмида вилоятда ялпи ҳудудий ишлаб чиқариш 9,5 фоизга юксалган. Қишлоқ хўжалиги 5,6, саноат соҳаси 13,7, чакана савдо айланмаси 14,2 фоизга ўсган. Қурилиш соҳасида эса юксалиш 12,8 фоизга етган. Вилоятдаги кенг кўламли қурилиш ишларининг асосий қисмини Жиззах шаҳридаги бунёдкорликлар ташкил этади. Бугун шаҳар тубдан ўзгармоқда. Унинг кечаги кўринишини акс эттирувчи тор, эгри-бугри кўчалар, кўримсиз хиёбонлар, бетон қопламали каталаксимон уйлар, қуриб ётган дарахтлардан иборат майдонлар, боғлар ўрнида кенг кўчалар, ям-яшил хиёбонлар, гулларга бурканган масканлар, 3-4 қаватли гўзал, яшаш учун қулай турар жойлар, кўкаламзор, эколандшафт тарзда яратилган майдонлар, дов-дарахтларга бурканган боғлардан иборат янги қиёфадаги Жиззах бўй кўрсатмоқда.

Шаҳарнинг янгидан қурилиш, бунёд этилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 сентябрдаги "2030 йилгача Жиззах шаҳрининг бош режасини тасдиклаш тўғрисида"ги қарори ва шу қарор асосида ишлаб чиқилган махсус дастур муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шаҳар марказидаги Мустақиллик кўчаси бўйига узайтирилиб, энига кенгайтирилди. Унинг эни 50 метрга етказилиб, шоҳкўчалардан бирига айлантирилди. Кўчанинг кенгайтирилиши автомобиллар қатнови учун қулайликлар туғдириш билан бирга шаҳар қиёфасига ўзига хос гўзаллик бағишлади. Унинг икки томонида кўкаламзор масканлар, гулзорлар яратилди. Доимо яшил бўлиб турадиган дарахтлар экилди. Эски, кўримсиз уйлар ўрнида 34 та кўп қаватли, чиройли, барча қулайликларга эга турар жой бинолари қад ростлади. Эколандшафт тизимли майдонлар, хиёбонлар яратилди. Худди шундай қайта қуриш, бунёдкорлик ишлари шаҳарнинг Алишер Навоий, Буюк Турон, Шароф Рашидов кўчаларида ҳам олиб борилмоқда. Марказий кўчалар бўйидаги эски, бир қаватли уйлар, ташкилотлар учун қурилган талабга жавоб бермайдиган иншоотлар ўрнида замонавий ва миллий шаҳарсозлик анъаналарига мувофиқ 57 та кўп қаватли турар жойлар барпо этилмоқда. Шулардан 42 таси тўла қурилган бўлса, 15 тасида шу йилнинг охиригача қурилиш ишлари якунланади. Бу уйларнинг биринчи қаватларида савдо дўконлари, маиший хизмат корхоналари, тамаддихоналар ўрин олади. Бошқача айтганда, бу ерда яшовчилар учун барча қулайликлар яратилади.

Шаҳар марказидаги "Ёшлар шаҳарчаси"ни Жиззахнинг энг кўркам, обод, сўлим гўшаларидан бири дейиш мумкин. Салкам 66 гектар ҳудудни эгаллаган бу шаҳарчада ёшларнинг ҳаёт кечиришлари, фаолият олиб боришлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Мавжуд "Камолот" уйларидан ташқари шаҳарчада келгусида яна янги турар жойлар қад ростлаши кўзда тутилган. Шу билан биргаликда, бу ерда Ёшлар боғи, Ёшлар сайилгоҳи, Ёшлар маркази, "Ўрда" деб номланган Ёшлар экологик боғи ташкил этилган. Бу шаҳарчада ёшлар анжуманлари, турли тадбирлар уюштирилмоқда, умумхалқ байрамлари, сайиллари ҳам ўтказилмоқда ва аҳолининг барча қатламлари дам олиши учун ҳамма имкониятлар яратилган. Айниқса, Ёшлар экологик боғида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Бу ерда вилоят экологиясини асраш, унинг мусаффолигини сақлаш борасидаги ишлардан ташқари Жиззах ҳудудида ноёб бўлган дарахтларни, ўсимликларни етиштириш, уларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан кузатилган асосий мақсад шаҳар экологиясини яхшилаш, уни кўкаламзор масканга айлантиришдан иборат бўлмоқда. Умуман, бу шаҳарчани Жиззахнинг нафақат бугунги замонавий қиёфасининг бир бўлаги, балки унинг келажаги тимсоли ҳам дейиш мумкин.

Шаҳар экологиясини яхшилаш, уни обод ва кўркам масканга айлантириш борасида бошқа хайрли ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Масалан, шаҳар марказида жойлашган, аҳоли саломатлигига ҳам, шаҳар ҳавоси мусаффолигига ҳам салбий таъсир кўрсатаётган оҳак заводи бузилиб, чекка ҳудудлардан бирига кўчирилди. Унинг ўрнида яшил ҳудуд, боғ ва гулзорлар ташкил этилди. Завод атрофидаги ташландиқ ер ўзлаштирилиб, "Наврўзбулоқ" деб аталган болалар боғи барпо қилинди. 2015 йилда тўрт гектардан иборат ҳудудда "Кексалар боғи" қурилиб, ишга туширилди.

— Ҳар бир шаҳарнинг ўзига хослигини, қиёфасини, ҳусн-жамолини, аҳолисининг қандайлигини намоён қилувчи масканлари бўлади. Ана шундай масканлардан бири шаҳар бозорлари ҳисобланади, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Рустам Кенжаев. — Шу сабабли шаҳарни замонавий асосда қайта қуриш жараёнида бу ердаги учта катта бозорда сотувчи ва харидорларга қулайлик туғдириш мақсадида бунёдкорлик, реконструкция, яратувчилик ишлари амалга оширилди. Қадимий Қўқбозор ўрнида акциядорлик жамияти шаклидаги янги "Марказий деҳқон бозори" барпо этилди. Бозорнинг 5 минг 400 квадрат метр савдо майдонига эга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш павильонида 1 минг 152 савдо ўрни ташкил қилинди. "Эски шаҳар деҳқон бозори" ва "Эски шаҳар буюм бозори"да ҳам кенг кўламли қурилиш, реконструкция ишлари амалга оширилди. Ҳар икки бозорни шарқона ва замонавий савдо талаблари асосида қайта қуришда бу ердаги савдо расталари, дўконларнинг сотувчи ва харидорларга ҳар томонлама қулай бўлиши, санитария-гигиена, хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беришига алоҳида эътибор қаратилди. Умуман, кейинги йилларда барпо қилинган бозорлар аввалгидек фақат савдо мажмуаси эмас, шаҳар ободлиги, халқимиз фаровонлиги, гўзал ҳаёт тарзимизнинг кўзгусига айланди.

Маълумки, Жиззах шаҳри кичик тоғ ён бағрида ва унга туташ текисликда жойлашган. Одатда, бундай жойларда барпо қилинган шаҳарлар ниҳоятда обод ва кўркам бўлади. Юксаклик, паст-баландликлар ва текисликлар бағрида шаҳар ўзига хос гўзаллик касб этади. Шаҳар бағридан оқиб ўтган дарё, канал ва сойлар унга алоҳида файз бағишлайди. Афсуски, собиқ шўролар даврида шаҳарнинг табиий гўзаллигини намоён қилувчи ана шундай масканда бунёдкорлик ишлари олиб борилмади. Натижада шаҳар бағридан оқиб ўтувчи дарёнинг суви камайиб кетди, баъзи йиллари қуриб қолди. Сойлар, каналлар соҳиллари обод қилинмади. Шаҳардаги кўчалар, соҳиллар, майдонларда экилган дарахтлар камайиб кетди. Гулзорлар, кўкаламзор масканлар қаровсиз қолди. Оқибатда шаҳар кўркамликдан йироқ, даштнинг самум шамоллари эсиб юрадиган кўримсиз масканга айланди. Эндиликда шаҳарни истиқболли қайта қуриш, бунёдкорлик режасига кўра дарёни сув билан тўлдириш, унинг соҳилларини обод қилиш, ҳар бир кўча, хиёбон, майдонларини кўкаламзорларга айлантириш, боғлар, яшил зоналар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда кейинги икки-уч йил ичида шаҳарда "Ором" фавворалар мажмуаси ишга туширилди. Боғишамол, Сангзоркўл дам олиш масканлари барпо этилди. "Истиқлол" болалар боғи, Форум мажмуаси эндиликда шаҳар аҳли, меҳмонлар сайр қиладиган, ҳордиқ чиқарадиган хушманзара, гўзал манзиллар сифатида Жиззах қиёфасига янгича руҳ бағишлади. Ўтган йили Алишер Навоий ва "Мустақиллик" кўчалари оралиғида шаҳарнинг энг катта истироҳат боғи ишга туширилди. Боғ ичида болалар учун турли ўйин майдончалари, аттракционлар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Сувни камалак рангида 25 метр баландликка пуркайдиган мусиқали фаввора атрофидан дам олувчиларнинг қадами узилмайди. Бу фавворадан туну кун шаҳар бағрига салқинлик уфуриб туради.

Шаҳарда янги хиёбонлар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинги икки йил ичида бу ерда 17 та янги хиёбон барпо қилинди. Ҳамид Олимжон номидаги хиёбонда кенг қўламли қурилиш-реконструкция ва ободонлаштириш ишлари бажарилган бўлса, "Хотира боғи" хиёбонида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ва бедарак кетган жиззахликларнинг исм-фамилияси битилган "Хотира китоби" мажмуаси қурилди. Бу маскан эндиликда шаҳар аҳлининг табаррук зиёраттоҳига айланди.

Жиззахнинг замонавий ва миллий шаҳарсозлик қиёфасини яратишда янги илм-фан даргоҳлари учун иншоотлар ҳамда спорт-соғломлаштириш масканлари қуришга ҳам эътибор берилмоқда. Шаҳарда сўнгги йилларда кўплаб коллежлар, лицейлар, умумтаълим мактабларининг янги бинолари қад ростлади. Жиззах политехника институтининг 4 қаватли ўқув биноси ва спорт зали мукаммал равишда тўла таъмирдан чиқарилди. Ҳозирги пайтда институтнинг 700 ўринга мўлжалланган лаборатория биносида қурилиш ишлари давом этмоқда. "Сўғдиёна" стадиони ўрнида салкам 12 минг томошабинга мўлжалланган замонавий футбол майдони, 2 спорт зали ва сузиш ҳавзаси қурилди. Ўнга яқин анъанавий спорт турлари билан шуғулланувчилар учун махсус заллардан иборат янги, замонавий "Сўғдиёна" футбол-енгил атлетика спорт аренаси ишга туширилди. Шу билан бирга, шаҳарда янги йўллар барпо этиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бугунги кунгача 17 километрдан иборат автомобиль йўли янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Кейинги йилларда Жиззах вилояти ва унинг марказида иқтисодиётни янада юксалтиришга, саноат тараққиёти учун кенг йўл очиб беришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун саноат корхоналарини барпо этиш асосий масала қилиб белгиланган эди. Мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги фармони ана шу ишларнинг муваффақиятли амалга ошишига асос бўлиб хизмат қилди. Фармонга мувофиқ махсус индустриал зона учун Жиззах шаҳридан 364 гектар ер ажратиб берилди. Зонада хорижий инвестициялар иштирокида жами қиймати 158,2 миллион доллар бўлган 24 та йирик саноат лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган эди. Бугунги кунгача 63,6 миллион доллар қийматга тенг 21 та лойиҳа амалга оширилди. Янги "Auto Pad Systems" қўшма корхонаси ана шу лойиҳалардан бири ҳисобланади. Марказий Осиёда ягона бўлган бу корхонада йилига 520 минг дона тормоз колодкалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Яна бир йирик лойиҳа асосида "Roisoh Home White Goods" қўшма корхонаси барпо этилди. Бу қўшма корхонада йилига 650 мингдан ортиқ телевизор, музлаткич, электр печ ва кир ювиш машинаси каби электротехника маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бундай лойиҳалар асосида ҳали кўплаб янги корхоналар ишга туширилиши режалаштирилган.

Махсус индустриал зона корхоналари ҳудуд иқтисодий ривожи билан биргаликда аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда. Фаолият юритаётган қўшма корхоналарда 1100 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Бу иш ўринларига асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга қабул қилинди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакат ички бозоридан ташқари хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Ўтган йили зонада фаолият юритаётган 14 та корхонада 102 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, шундан 6,4 миллион долларлик маҳсулот экспортга чиқарилди.

"Жиззах" махсус индустриал зонасида ишлаб чиқариш, транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини шакллантириш мақсадида 84 миллиард сўм ҳажмдаги капитал маблағлар ўзлаштирилди. Зонага олиб борувчи 12 километрлик ташқи йўллар тўла таъмирдан чиқарилди. Салкам 6 километр узунликда ичимлик суви, 8 километр узунликда газ тармоғи қурилди. Бу йил 7 километр узунликда ички йўллар қурилиши ва реконструкцияси амалга оширилади. Энг муҳими, замонавий шаҳарсозлик режаси асосида корхоналарнинг муҳташам, кўркам бинолари, иншоотлари қад ростлади. Иншоотлар, бинолар атрофлари кўкаламзор масканларга, боғ-роғларга айлантирилди. Равон йўллар, фавворалар, хиёбонлар, гулзорлар... Ташқаридан қарасангиз, бу ер саноат зонасига ўхшамайди, шаҳарнинг гўзал оромгоҳларини, кўркам марказини эслатади. Жиззах шаҳри бағрида замонавий саноат шаҳарчаси ана шундай тарзда яратилмоқда.

— Инсоннинг қўли гул деб бежиз айтишмайди. Биз Жиззахни кейинги бир-икки йил ичида бу даражада кескин ўзгаради, замонавий шаҳарлардан бирига айланади, деб тасаввуримизга ҳам сиғдира олмасдик. Хаёлимиз етмаган ўзгаришларни, янгиликларни хаётда замондошларимиз ўз қўллари билан яратдилар, — дейди Жиззах вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Эргаш Қўлдошев. — Кенг ва равон йўллар, гўзал турар жойлар, оромгоҳлар, истироҳат боғлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, гулзорлар, майдонлар, хиёбонлар, яна қанча улуғвор ўзгаришлар, асрларга тенг бунёдкорликлар. Буларнинг ҳаммаси шаҳар эски тўнини ечиб, устига янги тўн, тўн бўлганда ҳам зарбоф тўн кийгандек бўлди. Амалга оширилган бу улуғвор ишларни Жиззахнинг бунёдкорлик, яратувчилик мўъжизалари, деб аташ мумкин.

Дарҳақиқат, Жиззах шаҳри бугун улкан ўзгаришлар, янгиланишлар, мўъжизавий бунёдкорликлар қўйнида яшамоқда. Бундай ўзгаришлар, бунёдкорликлар кўлами келгусида янада кўпайиши аниқ. Зеро, мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2015 йил 19 июнда Жиззах вилоятига ташрифи пайтида ҳудудда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, енгил саноат соҳасини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ҳисобидан пахта толасини қайта ишлашга ихтисослашган лойиҳаларни кўпайтириш, вилоят маркази қиёфасини тубдан ўзгартириш, шаҳарда айланма йўл қуриб, кўчаларни унга туташтириш, шаҳар ичида янги магистраль йўллар, замонавий кўп қаватли уйлар, истироҳат боғлари барпо этиш, муҳандислик-коммуникация ва ирригация тармоқларини янада яхшилаш бўйича берган тавсиялари асосида шаҳарнинг бош режаси қайта кўриб чиқилди. Демак, шаҳарда улуғвор бунёдкорлик мўъжизаларини яратиш давом этади.

Камол МАТЁҚУБОВ,
"Adolat" мухбири

Гўзалликка ошиён маскан

Бугун Жиззах шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгаришга юз тутиб, улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Янги қурилган уй-жойлар, кўркам хиёбонларни кўриб, Ватанимизнинг кундан-кунга чирой очиб, қудратли давлатга айланаётганлиги ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғотмоқда.

Бу йил Жиззах шаҳридаги Ўзбекистон кўчасида 1,5 км масофада қурилиш ишлари олиб борилиб, эски уйлар ўрнида 16 та кўп қаватли турар жойлар барпо этилади. Шу билан бир қаторда маъмурий, маиший ҳамда савдо шохобчалари ҳам қурилиб, тўрт қаторли кенг йўл юзага келтирилади. Шаҳарнинг марказий Шароф Рашидов кўчасидаги эски уйлар ўрнида кўп қаватли турар жойлар, инфратузилма объектлари барпо этилади. Бу каби ишлар "Халқлар дўстлиги" шоҳкўчасида 7,2 км масофадаги йўлларни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, 60 дан зиёд кўп қаватли уйлар ҳамда маъмурий, маиший ва савдо иншоотларини қуриш, 8 та хиёбонни юзага келтириш каби режалар лойиҳалаштирилаяпти. Бундан ташқари, Тошкент кўчаси кенгайтирилиб, 3,7 км масофада қурилиш ишлари олиб борилади ва кўп қаватли уйлар барпо этилади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, республикамиз раҳбариятининг эътибори билан Жиззах шаҳрида ҳам олий маҳорат бокс мактаби қурилиши кўзда тутилаяпти. 3 минг томошабинга мўлжалланган мазкур спорт мажмуаси Жиззахда 2017 йилда қуриб битказилади. Қолаверса, келгусида 4 минг 745 гектар ҳудудга эга Жиззах шаҳри Жиззах тумани ҳисобидан 9 минг 746 гектарга кенгайтирилади. Айни вақтда, Жиззах шаҳрида 156 минг нафар фуқаро истиқомат қилаётганлиги ҳисобга олиниб, 2030 йилда 250 минг аҳоли яшаши учун шароитлар яратиш режалаштирилган.

Амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари натижасида вилоятимиз маркази – Жиззах шаҳри янада кўркам қиёфа касб этишида малакали қурувчиларнинг самарали меҳнатлари беқиёс эканлигини айтиб ўтиш жоиз. Улар томонидан яратилган ҳар бир кўркам ва замонавий бинолар кишига завқ бағишлайди. "Ўрта Осиё меъмор", "Жиззах қурилиш зийнати", "Ҳумоқурилишсервис", "Мукаммал қурилиш савдо", "Мерос", "Агро квант", "Лойиҳа экспо қурилиш", "Хуршид", "Альфа плюс" каби қурилиш фирмаларида ишлаётган қурувчиларнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Мазкур фирмалар вилоятимиздаги шинам таълим марказлари, соғлиқни сақлаш муассасалари бинолари, уй-жой массивларининг қад ростлашида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Мустақиллик йилларида барча соҳалар қаторида шаҳарсозлик борасидаги ишлар юртдошларимиз турмуш фаровонлигини оширмоқда. Қурувчилар томонидан яратилаётган муҳташам бинолар, равон йўллар, гўзал боғ ва хиёбонларнинг кўрки қалбларимизда гўзаллик ва эзгулик туйғуларини уйғотмоқда.

Узоқбой РИСҚУЛОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

➢ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚДА БИР ХИЛ ШАРОИТ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро туман кенгаши томонидан партиямизнинг "Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит" лойиҳаси доирасида "Обод манзиллар" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида туманда амалга оширилган янгиланишлар хусусида фикр юритилди. Тадбирда туман партия кенгаши раиси Гулчеҳра Тожиева, партия аъзолари, "Аёллар қаноти" фаоллари, маданият ва аҳоли дам олиш маркази ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Обод манзиллар кўпаймоқда

— Қаерда қонунчилик устувор ва тинчлик-осойишталик мустаҳкам бўлса, хорижий инвестор ўша ерда ҳозиру нозир бўлаяпти. Юртимиз ана шу жиҳатдан хорижий инвесторлар фаолият юритишлари учун қулай мамлакат ҳисобланади. Бугунги кунда биргина Бухоро туманида Европа ва Осиёнинг тўртта давлатидаги инвесторлар билан шерикликда бешта қўшма корхона фаолият кўрсатаётгани бежиз эмас, — деди Гулчеҳра Тожиева. — "Қавола" қишлоғидаги момиқ сочиқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Ростекссстрой" ана шундай корхоналардан бири. Технологик янгилаш сиёсати устувор бўлган "Агромир Бухоро", "Бухоро Хамрия" ва "Гала Ривер" қўшма корхоналари узум ва мева шиннисини экспорт қилишда юқори режаларни кўзлаётир. Кир ювиш кукуни ишлаб чиқарадиган "Бухоро шатен клеан" масъулияти чекланган жамиятининг маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.

Бухоро туманида 2010-2015 йилларда бир неча массивда 1015 та ижтимоий объектлар қурилди. Жорий йилда қурилиш қўлами кенгайиб, намунавий лойиҳа асосида 300 дан зиёд уй-жой барпо этилди.

Ҳозирда туманнинг "Работак", "Бегижўйи", "Деҳожи" каби массивларида ҳам бунёдкорлик ишлари тезкорлик билан бормоқда. Уларнинг ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ, йўл тармоқлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қурилади.

— Ёшларимиз учун шаҳарлардагидан қолишмайдиган даражада шароитлар яратилмоқда, — деб суҳбатни давом эттирди туман партия кенгашининг "Аёллар қаноти" етакчиси Дилобар Йўлдошева. — Касалликлар олдини олишда поликлиника хизматининг алоҳида ўрни бор. Бу ҳақда тўхталишимиз бежиз эмас. "Работак" маҳалласи ҳудудида қурилиши тугалланмаган собиқ санаторий биносини реконструкция қилиш асосида икки қаватли 250 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли туман марказий поликлиникаси қад ростламоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, марказий поликлиника ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси мажмуаси билан янги ҳудудда саломатлик шаҳарчасига асос солинади. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар самарасида хусусий шифохоналар ташкил этилди. Бугунги кунда туманда 12 та нодавлат клиника ва стоматология шохобчалари фаолият юритмоқда.

Соҳада халқаро стандартларга мос ислоҳотлар жорий этилиши туфайли таълим тизимида туб ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда туманда жами 19412 ўқувчи ўринга эга 51 та умумтаълим, 2 та давлат умумтаълим мактаб-интернати ва махсус спорт мактаб-интернати фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда, ушбу йўналишдаги бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, туманда кейинги йилларда ислоҳотлар самарасида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида катта ютуқлар қўлга киритилди. Шунингдек, Осиё тараққиёт банки сармояси кўмагида Галаосиё шаҳрини ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳаси амалга оширилгани, болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси қурилгани, аҳоли, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун қулай шароитлар яратилганини ҳам таъкидлаш лозим.

Давра суҳбати давомида мустақиллик йилларида Бухоро вилоятида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини акс эттирувчи видеолавҳа намойиш этилди.

Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

ЯНГИ тузилма — куч

➢БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Партиявий ишларни тизимли равишда олиб бориш сиёсий кучнинг қуйи бўғинлари фаолиятини такомиллаштириш, ушбу таянч тузилмалар сони кўпайишига эришиш билан боғлиқ саналади. Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилоят кенгаши томонидан бу муҳим вазифаларга катта масъулият билан қаралмоқда. Вилоятда кенг жамоатчилик ўртасида партия ғояларига ишончнинг ортиши, ўз навбатида, сиёсий куч сафларининг кенгайишига хизмат қилмоқда. Шунинг баробарида янги тузилган бошланғич партия ташкилотлари яна янги таянч бўғинлар сифатида сиёсий фаолиятга киришмоқда. Бу ижобий ҳолат, айниқса, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси қизғин давом этаётган шу кунларда қуйи партия ташкилотларининг ушбу сиёсий жараёнда ўз олдига қўйган вазифаларини амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Яқинда Навоий шаҳридаги Алишер Навоий номли нашриёт қошида ҳам янги бошланғич партия ташкилоти тузилди. Шу мақсадда бўлиб ўтган йиғилишда партия фаоллари, нашриёт ходимлари иштирок этишди. Тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Карим Бобожонов партиямизнинг инсонпарвар ғоялари, дастурий вазифалари ва бу борада амалга оширилаётган ишлар, илғор БПТлар ҳақида маълумот берди.

Нашриётда фаолият юритаётган бир гуруҳ партиядошларимиз янги БПТ тузиш, унинг сафида туриб сиёсий, ижтимоий хаётда фаол қатнашиш, ҳудудни янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш хусусида фикр билдиришди. Вилоятда БПТлар сонини яна биттага кўпайтирган мазкур бошланғич ташкилотга муассаса директори Сурайё Мансурова раис этиб сайланди.

— Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзолари сафидан ўрин олганимдан мамнунман, — дейди янги сафдошимиз, нашриёт ходими Сабохат Баракаева – Бу, шубҳасиз, мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларда фаоллигимни оширади, мени юртимиз тараққиётига кўпроқ ҳисса қўшишга ундайди.

Тадбирда бошланғич партия ташкилотининг вазифалари белгилаб олинди. Сайлов кампаниясида бошланғич партия ташкилотлари партиянинг бошқа тузилмалари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари, ҳар бир сафдошимизнинг бурч ва масъулияти хусусида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Олим ХЎЖАЕВ,
"Adolat" мухбири

➢2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Андижон туманидаги "Саддатаги" маҳалласида Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши томонидан "Бола ҳуқуқлари ва жамоатчилик назорати" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда маҳалла фаоллари, болалар билан ишловчи ташкилотларнинг раҳбарлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Жамоатчилик назорати муҳим

Тадбирда болаларнинг амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлари, оилада фарзанд тарбияси, ота-она масъулияти хусусида сўз юритилди. Таълим тўғрисидаги ва боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашда жамоатчиликнинг роли масаласига алоҳида эътибор қаратилди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш билан фарзандларимизга бўлган эътибор янада ортганлиги кўрсатиб ўтилди.

Тадбирда таъкидланганидек, келажагимиз эгаларининг таълим олиши ва баркамол инсон сифатида тарбияланиши олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир. Уларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялашга барча бирдек масъул. Бу борада болаларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тарғибот ишларини янада кучайтириш мақсадга мувофиқ.

— Бола ҳуқуқларига қаратилган қонунчилик мазмунмоҳиятини ота-оналарга етказиш бевосита уларнинг зиммасидаги масъулиятини ҳам оширади, — дейди "Саддатаги" МФЙ раиси Ботиржон Болтабоев. — Айни шу мақсадда ташкил этилган бугунги тадбир кўплаб саволларнинг ечимини топишга ҳам хизмат қилди. Энг асосийси, ҳар бир бола давлат ва қонун ҳимоясида эканлигини янада чуқурроқ тушундик.

Давра суҳбати якунида мавзуга доир тавсиялар ишлаб чиқилди ва фаоллар олдида турган келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Акбаржон НАЗАРОВ,
"Adolat" мухбири

Миллат қалбининг кўзгуси

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, миллий ўзликни асраб-авайлашда она тилимизнинг ижтимоий аҳамияти беқиёс. Зеро, она тилимиз миллатимиз руҳининг ифодаси, миллат қалбининг кўзгусидир.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан меҳнат жамоаларида тил байрами нишонланди. Ана шундай сермазмун тадбирлардан бири Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгаши ҳамда Урганч давлат университети қошидаги 2-сон академик лицей жамоаси билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда партиянинг вилоят, шаҳар кенгашлари фаоллари, лицей ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари ўзбек тилининг ривожланиш босқичлари, тарихий ва ижтимоий аҳамияти хусусида сўз юритиб, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни ижросини таъминлашга ҳисса қўшиш шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик бурчи эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўқувчилар она тилимизга меҳр-муҳаббатимизни акс эттирган шеърлардан ўқиб, мавзуга доир саҳна кўринишлари намойиш қилишди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Янгилик яратаётган ёшлар

➢ТАЛАБАЛАРНИНГ КИЧИК ИННОВАЦИОН КОРХОНАСИ

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида мамлакатимиз келажаги инновацион иқтисодиёт билан боғлиқлиги қайд этиб ўтилган.

Шундан келиб чиқиб, партиянинг Жиззах вилоят кенгаши ва қуйи ташкилотлари томонидан жойларда олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг инновацион ишланмалари кўргазмасини ташкил қилиш орқали иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, илмий изланишлар ҳамда ишланмаларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Жиззах политехника институти қошидаги академик лицейда вилоят партия кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти ташаббуси билан "Ёшларнинг илмий изланиш ва ишланмалари" мавзусида ўтказилган давра суҳбати шулар жумласидандир. Партиянинг "Талабаларнинг кичик инновацион корхонаси" лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда партия фаоллари, "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари, лицей ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда маърузачилар бугунги кунда иқтидорли ёшлар томонидан яратилаётган кичик инновацион лойиҳаларнинг хилма-хиллиги ва мазкур ишланмаларни ишлаб чиқариш соҳасига жорий қилиш орқали мамлакатимиз иқтисодини янада юксалтиришга ҳисса қўшиш мумкинлиги тўғрисида сўз юритилди. Шунингдек, партия томонидан ёшларнинг инновацион фаолиятни ривожлантиришдек долзарб вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда яратилган ишланмаларнинг кўргазмаларини ташкил қилиш орқали ёшлар ўртасида мазкур соҳада рақобатни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлиги ҳам таъкидланди.

Тадбир жараёнида лицей ўқувчиларидан Алишер Абдуллаев ва Миролим Исмоиловнинг янги илмий изланишлари натижалари бўйича тайёрлаган кўргазма намойиш этилди.

— Вилоят партия кенгаши томонидан бу каби тадбирлар мунтазам ўтказилиши йўлга қўйилган, — дейди вилоят партия кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти етакчиси Хуснидин Шарипов. — Партиямиз лойиҳалари доирасида ташкил этилаётган бу каби тадбирлар талаба ва ўқувчи ёшларнинг илмий изланишларга бўлган қизиқишини янада ошириш, уларнинг иқтидор ва истеъдодларини намоён қилиш, келажагимиз ворислари қалбида Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат туйғуларини шакллантириш, мамлакатимиз иқтисодига муносиб ҳисса қўшадиган етук мутахассислар бўлиб етишишида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Тадбир якунида мазкур таълим муассасасининг бир гуруҳ ўқитувчилари Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзолигига қабул қилиниб, янги сафдошларимизга партия билетлари топширилди.

Узоқбой РИСҚУЛОВ,
Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

➢"АДОЛАТ"НИНГ АДОЛАТЛИ АЁЛЛАРИ

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси аъзолари ҳам салмоқли улуш қўшиб келмоқда. Натижада фидойи сафдошларимиз эл ҳурмати ва эътирофига сазовор бўлишмоқда. Шулардан бири Норин туманидаги "Обод" қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси Дурдона Шералиева ҳисобланади. У истиқлолимизнинг 25 йиллиги байрами арафасида "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Бу юксак мукофотга у ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишига қўшган муносиб ҳиссаси эвазига сазовор бўлди.

Ибратли ҳамшира

— Мен Дурдонани кўп йиллардан бери ўз касбининг фидойиси сифатида яхши биламан. Аҳоли ҳам уни жуда ҳурмат қилади, — дейди Норин туман тиббиёт бирлашмасининг катта ҳамшираси Сабохат Мадаминова. — Яна бир жиҳати – Дурдона "Адолат" социал-демократик партиясининг фаол аъзоларидан бири. Ўзи ишлайдиган қишлоқ врачлик пункти ходимлари орасида биринчи бўлиб сафимизга қўшилган эди. Мана энди, жамоадагиларнинг барчаси "Адолат" СДП аъзоси. Бунда ҳам унинг катта ҳиссаси борлигини яхши биламиз.

Дурдона "Пахтақишлоқ"даги ибратли оилалардан бирининг фарзанди. Отаси Ҳасанбой Қурбонов ҳам, онаси Муккаррам Қурбонова ҳам узоқ йиллар халқ таълими тизимида меҳнат қилиб, кенг жамоатчилик ўртасида обрў қозонишган. Шу билан бирга, беш фарзанд – уч ўғил ва икки қизни эл ишига камарбаста бўладиган қилиб тарбияладилар. Уларнинг кенжаси Дурдона мактабни битиргач, Наманган шаҳридаги тиббиёт билим юртига ўқишга кирди. Чунки у болалигидан шифокорлик касбини яхши кўрар, инсонлар дардига малҳам бўлишни энг шарафли вазифа деб биларди. Уч йиллик ўқиш даври ҳам ортда қолди. Тиббиёт ҳамшираси малакасига эга бўлган Дурдона она қишлоғига қайтиб келди. Ёш мутахассисни Тошлоқдаги "Тўлқин" қишлоқ врачлик пунктига ишга қабул қилишди. Шу тариқа у жамоа аъзолари билан биргаликда халқ саломатлигини сақлашдек эзгу ишга киришди.

— Тиббиёт ҳамширасининг вазифаси ниҳоятда кенг кўламли ва масъулиятли, — дейди Дурдона Шералиева. — Шунинг учун мен ўз вақтида бирга ишлайдиган малакали ҳамкасбларимнинг тажрибасини ўрганишдан эринмадим. Улар ҳам билганларини аямадилар. Ҳозир эса ёш ҳамшираларга керакли йўл-йўриқларни бериб тураман.

Бугунги кунда Дурдона Шералиева "Пахтақишлоқ"даги "Обод" қишлоқ врачлик пунктининг катта ҳамшираси. Унинг айтишича, ҚВП туманда энг яхши тиббиёт муассасаларидан бири саналади. Ҳудудда бир неча йиллардан бери оналар ва болалар ўлими йўқлиги, оғир хасталикка учраган беморлар сони камайиб бораётганлиги тиббий кўрикларнинг вақтида ва сифатли ўтказилаётганлиги, соғломлаштириш ишларининг намунали йўлга қўйилганлиги самарасидир. Бундай натижаларга эришишда Шарофат Достонова, Салима Парпиева, Фароғат Нишонова каби тиббиёт ходимларининг хизматлари катта.

Маълумки, партиямизнинг Сайловолди дастурида Ўзбекистон "Адолат" СДП аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори эканлиги айтилган. "Шуҳрат" медали соҳиби Дурдона Шералиева ҳам мана шу мақсадга эришиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"Adolat" мухбири

➢ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Республикамиз аҳолисининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бекаму кўст тўлдириш, асосан қишлоқ жойларда замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни жадал барпо этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори катта аҳамият касб этади.

Имтиёзлар самараси

Мазкур қарорга кўра, қарорнинг 2-иловасида келтирилган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбобускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хомашё ҳамда материалларни божхона тўловларидан *(божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари)* озод этилган. Ушбу солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни барпо этишга, шунингдек, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хомашё ва материаллар харид қилишга, киритилган инвестицияларни қоплаш, жумладан, кредитларни тўлашга йўналтирилади. Таъкидлаш лозимки, ушбу қарорнинг амал қилиш муддати 2018 йилнинг 1 январигача узайтирилди.

Шунингдек, мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган корхоналар жумласига сотув умумий ҳажмида ушбу товарларни ишлаб чиқаришдан тушум улуши ҳисобот даври якунлари бўйича камида 60 фоизини ташкил этадиган корхоналар киради.

Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар билан мунтазам равишда ўтказилаётган учрашувлар, семинар ва давра суҳбатларида мазкур соҳа вакилларига яратилаётган қулай шарт-шароитлар, солиқ имтиёзлари ва улардан фойдаланиш тартиб-тамойиллари тушунтириб борилмоқда. Бугунги кунда шаҳримизда мавжуд 441 та корхона юқорида қайд этилган қарорда белгиланган имтиёзлардан самарали фойдаланмоқда. Натижада жорий йилнинг олти ойи мобайнида 21,0 миллиард сўмга яқин маблағлар ушбу корхоналар ихтиёрида солиқ имтиёзлари эвазига қолдирилди. Тежалган маблағлар корхоналар ўз ишлаб чиқариш фондларини кенгайтиришга, ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта модернизациялашга, шу жумладан, янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек, хомашё базасини ривожлантиришга ва янги иш ўринларини яратишга йўналтирилмоқда.

Юнусжон НАСИМДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

➢ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИГА

Миллий давлатчиликнинг ҳуқуқий пойдевори

Конституция давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шаклланиш тартибини, сайлов тизимини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, суд тизимини белгилаб беради. Конституция барча амалдаги қонунларнинг асоси ҳисобланади.

1992 йил декабрда мамлакатимиз Асосий Қонунининг қабул қилиниши мустақил, суверен ва демократик давлат – Ўзбекистон Республикасининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилганлигининг ёркин ифодаси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси том маънода миллий тараққиётимиз, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик, фаровон ва осуда ҳаётимиз, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий йўналишларда эришилган ютуқларимизнинг ҳуқуқий асоси, халқимизнинг ёруғ ва порлоқ келажагига замин яратган Асосий Қонун, демократик суверен давлатимизнинг ҳурлик тимсоли, миллатимизнинг фахру ифтихори, ғурур ва шаъни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, бурч ҳамда масъулиятининг мустаҳкам кафолатига айланди.

Конституциямиз принциплари ва нормалари мазмун-моҳиятида нафақат ривожланган мамлакатлар, балки халқимизнинг кўп асрлик миллий-маънавий, маърифий қадриятлари, анъаналари, бой тарихий мероси, миллий давлатчилик ва ҳуқуқий-сиёсий тажрибалари ҳам ўз аксини топганини алоҳида таъкидлаш жоиз.



Конституциямизда қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглиги, шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принциплари белгилаб берилган. Бош Қомусимизнинг 15-моддасида "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар", 16-моддасида эса "Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас", деб белгилаб қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямиз бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларнинг, умуман, жамият ҳаётининг ҳуқуқий негизи сифатида ўзининг барқарорлиги ва ҳаётийлигини намоён этиб келмоқда.

Мадина ҚУРБОНОВА,
Тошкент шаҳар, Учтепа тумани 9-сонли ДНИ нотариуси

Бола манфаатлари ҳимояда

Мустақиллик йилларида бола ҳуқуқларига доир муҳим қонунлар қабул қилинганлиги улар манфаатини янада тўлиқ таъминлаш, ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун яратилган шарт-шароитларни бунданда яхшилашга хизмат қилмоқда.

Жумладан, Конституциямизда оилада, оналик ва болалик мухофазаси, ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид қоидалар ўз ифодасини топган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида "давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятиларини рағбатлантиради" деб кўрсатилган. Шунингдек, Асосий Қонунимизнинг 64-моддаси ҳамда Оила кодексининг 96-моддасига биноан "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур"лиги ҳам белгилаб қўйилган. Яна бир конституциявий қоидага кўра, фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади (65-модда), дея қайд этилади.

Ушбу ҳуқуқий нормалар ҳар бир инсонни оиласи ва фарзандлари олдидаги бурчни англаб етишини билдиради. Ўз навбатида, мазкур норманинг мазмунида болалар манфаатининг устуворлиги ётади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда бола манфаати йўлида амалга оширилаётган эзгу ислоҳотлар, шунингдек, Бош Қомусимиз ва миллий қонунчилигимиздаги имтиёз ва кафолатлар ёш авлоднинг жамиятимизда муносиб ўрнини топишига кўмаклашиши, шубҳасиз.

Севара ЗОКИРОВА,
Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчиси

➢ 2016 ЙИЛ – СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон саломатлигини асраш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилаётган доимий эътибор халқимизнинг узоқ умр кўриш кўрсаткичини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Саломат бўлай десангиз

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни изчил давом эттиришда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Бугунги кунда кам ҳаракат, меъёридан ортиқ таом истеъмол қилиш, пала-партиш овқатланиш каби ҳолатлар кўплаб тиббий-ижтимоий муаммоларга сабаб бўлаётир. Бунинг олдини олиш тиббий-профилактика хизматини янада ривожлантириш, илм-фан изланишларини такомиллаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда ушбу соҳадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий механизми яратилган. Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базаси такомиллашаётгани диагностика ва даволаш ишлари сифатини ошириш, тиббий-профилактика хизматини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Маълумки, ўзбек оилаларида барчанинг дастурхон атрофида жамулжам бўлиб овқатланиши бебаҳо қадрият даражасига кўтарилган. Таомга, аввало, ёши улуғ инсонлар қўл узатади. Бу жараёнда ёшларимиз катталардан меъёрида таом истеъмол қилиш, нафсни тийиш билан боғлиқ маънавий ва тиббий тарбия олади. Оилаларда таом тайёрлашда хонадон бекалари момоларимиз тажрибасини ўрганиш, тоза-озодаликни сақлаш, овқатни меъёрида пиширириш, ҳар куни хилма-хил овқатлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратади.

Эндиликда тиббиёт соҳасида бу борадаги миллий қадриятларимиз алоҳида эътиборга олингани қувонарлидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қабул қилинган соғлом овқатланишнинг ўн икки тамойили ичида ушбу жиҳатлар ҳам ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда ёғ ва тузни кам истеъмол қилиш тавсия этилади. Чойни иложи борича таом билан бирга истеъмол қилмаслик лозим. Овқатдан бир-икки соат кейин чой ичиш соғлиқ учун фойдалидир. Баъзи оилаларда тўғри овқатланиш тушунчасини юқори калорияли таомларни тўйиб ейиш, деб тушунилади. Бу зарарли одат кўплаб хасталикларга йўл очиб беради.

Айниқса, болаларнинг овқатланиш тарзига алоҳида эътибор қаратиш даркор. Ота-оналар фарзандларига бу борада ибрат бўлиши керак. Овқат билан бирга помидор, бодринг, қизил лавлаги, кўкатлар ва бошқа табиат неъматлари асосида тайёрланган салатлар, мева-сабзавотлар истеъмол қилиш тавсия этилади.

Айтиш жоизки, жаннатмонанд юртимизда тўғри овқатланиш учун барча шароит муҳайё. Она заминимизда йилнинг тўрт фаслида ҳам юзлаб хил табиат ноз-неъматлари етиштирилади. Хатто қиш фаслида бозорларимиздан сархил мева-сабзавотлар, кўкатлар узилмайди.

Мамлакатимизда соғлом овқатланиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар жараёнида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси бўйича бу йўналишда кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Бу жараёнда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори сифат ва самарадорликка эришиш, улар сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, халқимизни юртимизда етиштирилган экологик соф, тўйимли, сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланган.

Бундай чора-тадбирлар инсон манфаатларига йўналтирилган ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, инсон умрини узайтириш, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказиш каби эзгу ишларга хизмат қилмоқда.

Нафосат ОЧИЛОВА,
П.Боровский номидаги тиббиёт коллежи ўқитувчиси

УЙ-ЖОЙНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

қандай тартибда амалга оширилади?

➢ ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ!

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 600-моддасида уй-жойни ижарага бериш шартномаси ҳақида сўз юритилган. Унга кўра, уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан бир тараф — уй-жойнинг мулкдори ёки у ваколат берган шахс (ижарага берувчи) — бошқа тараф (ижарага олувчи)га уй-жойда яшаш учун уни ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади.

Уй-жой юридик шахсларга ижара шартномаси ёки бошқа шартнома асосида эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун топширилиши мумкин. Юридик шахс уй-жойдан фақат фуқароларнинг яшаши учун фойдаланишга ҳақли.

Ушбу кодекснинг 602-моддасига асосан, доимий яшаш учун яроқли бўлган алоҳида уй-жой (квартира, уй, квартиранинг ёки уйнинг бир қисми) уй-жойни ижарага бериш шартномасининг объекти бўлиши мумкин.

Уй-жойнинг яшаш учун яроқлилиги уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Кўп квартирали уйдаги уй-жойни ижарага олган шахс ундан фойдаланиш билан бир қаторда ушбу кодекснинг 211-моддасида кўрсатилган мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фуқаролик кодексининг 611-моддасига биноан, уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг миқдори тарафларнинг ўзаро келишувига биноан уй-жойни ижарага бериш шартномасида белгилаб қўйилади. Башарти қонунга мувофиқ уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори белгилаб қўйилган бўлса, шартномада белгиланган ҳақ ана шу миқдордан ошиб кетмаслиги лозим.

Уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг миқдори бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмайди, қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Уй-жой учун ҳақ ижарага олувчи томонидан уй-жойни ижарага олиш шартномасида назарда тутилган муддатларда тўлаб турилиши лозим. Агар шартномада бундай муддатлар назарда тутилган бўлмаса, ҳақ ижарага олувчи томонидан ҳар ойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаб турилиши шарт.

Шунингдек Фуқаролик кодексининг 626-1-моддасида уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномасининг шакли ҳақида фикр юритилган. Яъни, уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномаси ёзма шаклда тузилади, бундан уй-жойни якин қариндошларга (ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари) текин фойдаланишга бериш ҳоллари мустасно.

Фуқаролар ўртасида уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши шарт.

Хуршида ЭГАМБЕРДИЕВА,
Яшнобод тумани 5-сонли ДНИ катта нотариуси

Reklama

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК

"Соғлом она ва бола йили" муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

"СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА"

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.



Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74
Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

“Микрокредитбанк” — тараққиёт ва фаровонлик сари

MIKROKREDITBANK

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида миллий иқтисодиётимиз жадал ривожланмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг етакчи кучга айланаётгани халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этаётир.

Ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожининг энг муҳим шартларидан бири бу, шубҳасиз, республикамизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг барқарорлигидир. Бу ҳақда гап кетганда, ўзининг ўн йиллик фаолияти давомида “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки мамлакатимизда тадбиркорлик соҳаси вакилларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соҳани ривожлантиришга хизмат қилувчи имтиёз ва имкониятлар бериш, пировардида кўплаб янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг даромади ва фаровонлик даражасини оширишда ўзига хос ўрин эгаллаб келаётганлигини айтиб ўтиш лозим.

Тадбиркорлик субъектлари ва тижорат банклари ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлашда муҳим омиллардан биридир.

“Микрокредитбанк”нинг жорий йил ўтган давридаги асосий кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар ҳажми ортганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, 2016 йилнинг 9 ойи мобайнида ушбу мақсадлар учун республикамизнинг барча ҳудудларида жами 891,5 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Ушбу сармояларнинг асосий қисми узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, қишлоқ жойлардаги тадбиркорлар фаолиятига йўналтирилди ва унинг умумий ҳажми 658,7 миллиард сўмни ташкил этди. Кўрсатилган микромолиявий хизматлар миқдори эса 337,7 миллиард сўмдан ошди.

Шунингдек, қишлоқда сервис хизматларини ташкил этиш мақсадида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 118 миллиард 808 миллион сўм, жумладан, савдо ва умумий овқатланишга 1,33 миллиард, транспорт хизматларига 1,37 миллиард, алоқа хизматларига 1,33 миллиард, маиший хизматларга 1,36 миллиард ҳамда автомобиль ва бошқа техникаларга техник хизмат кўрсатиш учун 1,32 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шу билан бирга, кичик саноат корхоналарини модернизациялаш, янги технологияларни жорий қилиш, қўшимча куч ва янги иш ўринлари яратиш мақсадлари учун 179,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида ўтган тўққиз ойликда оилавий тадбиркорлик субъектига 62,5 миллиард сўм миқдорида бошланғич кредитлар ажратилди. Уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларига йўналтирилди. Имтиёзли кредитлар ажратиш орқали аёллар ва ёшлар, шунингдек, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этишни ташкилий ва молиявий қўллаб-қувватлаш борасида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Молия муассасасининг ҳудудий филиаллари томонидан мавжуд корхона ва ташкилотларга кредит ажратилиши натижасида ўттиз мингга яқин янги иш ўрни яратилди. Банк, шунингдек, ёш тадбиркорларни излаб топиш, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иқтидорини юзага чиқариш мақсадида касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорликка фаол жалб этиш ҳамда ўз бизнес лойиҳасини амалга ошириши учун микромолиявий хизматлар қўламини янада кенгайтирмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида банк ушбу мақсадлар учун 50,3 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли микрокредитлар ажратди. Бунинг натижасида кўплаб ёш тадбиркорлар ўз бизнесини йўлга қўйди ҳамда 4,1 минг янги иш ўринлари яратилди.

Аёлларнинг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариш, ўз бизнесини бошлаши, истиқболли бизнес-режа тузишига кўмаклашиш, уларни ҳунармандчиликка кенг жалб этиш, тикувчилик цехлари фаолиятини кенг йўлга қўйиш, қишлоқ жойларда сервис хизматини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисига қулайлик ва замонавий ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш имкониятини яратиш ҳам “Микрокредитбанк”нинг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Банк бу йўналишда 97,560 миллиард сўм миқдорида кредит маблағи ажратди. Аёллар раҳбарлик қилаётган хўжалик субъектларига эса 816 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди.

Қолаверса, “Микрокредитбанк” ўз сармоялари билан давлат дастурлари ижросида ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, “Республика ҳудудларини 2013-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”га мувофиқ жорий йилнинг ўтган даврида 29,5 минг янги иш ўрни яратилди.

Узоқ қишлоқ жойларда ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам “Микрокредитбанк”нинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Жумладан, оила эҳтиёжларига зарур жиҳозлар хариди учун имтиёзли истеъмол, ипотека ва микрокредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида банк томонидан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун 1710 та ёш оилага 39,6 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Банк томонидан тадбиркорлик субъектларига мамлакатимиз Биринчи Президентининг “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан жами 110,4 миллиард, жумладан, ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуналар харид қилишга 23,4 миллиард, ишлаб чиқариш корхоналарига хомашё ва материаллари сотиб олиш учун 87 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ “Микрокредитбанк” томонидан жами 10,8 миллиард сўм таълим кредитлари ажратиш орқали талабаларга кўмаклашилди.

Шу ўринда алоҳида айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда “Микрокредитбанк” АТБ тармоғидаги 85 та филиал ва 110 та минибанклар республикамизнинг барча минтақаларидаги аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаган ҳолда, банк мижозлари сони жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига 344 мингдан зиёдни ташкил этди.

Сўнгги йилларда бозор ставкалари бўйича турли депозитлар жорий этилди, пластик карталар бўйича ҳисоб-китоб тизими ривожланмоқда. Банк фаолиятига қатор хорижий молия ташкилотлари, жумладан, “Fitchs reytings” агентлиги ижобий баҳо бериб келмоқда. Мазкур рейтинг компанияси банкнинг кредитга лаёқатлилиги бўйича “B” “Барқарор” рейтингини тақдим этди ва бу рейтинг 2016 йида ҳам қайта тасдиқланди.

Xizmatlari litsenziyalangan

Мухтасар айтганда, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилаётган имтиёзли сармоялар мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, аҳолининг кам таъминланган қатламига ижтимоий кўмак бериш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллик даражасини ошириш ва фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилмоқда.

МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИ:

Севара АҲМЕДОВА,
Жарқўрғон туманидаги “Жарқўрғон зиё” хусусий корхонаси раҳбари:

— Замонавий технологиялар асосида катталар ва болалар учун мавсумий пайпоқлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамиз “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки молиявий кўмагида ташкил этилганини айтиб ўтишим жоиз.

Ҳозир корхонамизда ўнга яқин йигит-қиз доимий иш билан таъминланган, ойига 40-45 минг жуфт сифатли маҳсулот тайёрланмоқда. Жорий йилда ишлаб чиқаришни икки баробар ошириш орқали иш ўринларини янада кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз. Бунинг учун яна “Микрокредитбанк” кўмагига таянамиз.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, “Микрокредитбанк”нинг кичик сармоялари ишбилармон ва тадбиркор фуқароларнинг катта орзу-мақсадлари рўёбга чиқишига кўмаклашмоқда. Бу эса иқтисодиётимиз барқарорлиги, элу юртимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги интилишларга кенг йўл очмоқда.

Шуҳрат БЕРДИЕВ,
Ғаллаорол туманидаги “Meva shirin invest” хусусий корхонаси раҳбари:

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қаратилаётган алоҳида эътибордан фойдаланиб, жорий йилда мева-сабзавот маҳсулотлари сақлашга мўлжалланган омборхона барпо этдик. “Микрокредитбанк”нинг туман филиали томонидан ажратилган 27 миллион сўмлик кредит бизнес лойиҳамизни амалга оширишда қўл келди. Ушбу кредитдан фойдаланиб, омборхонамизда замонавий музлатгичлар ўрнатдик. Айни пайтда куз-қиш мавсуми учун мева-сабзавот маҳсулотлари ғамлашни бошладик.

Бозорбой КАРИМОВ,
Хоразм вилоятидаги “Валико плюс” фермер хўжалиги раҳбари:

— Тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйиш ҳамда уни ривожлантиришда менга “Микрокредитбанк” кўп йилдан буён яқиндан кўмаклашиб келмоқда. 2006 йилда Қизилқум бағридаги 39 гектар майдонда балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этган эдик. Дастлаб “Микрокредитбанк”дан олинган кредит эвазига 3 гектарлик суньий сув ҳавзаси барпо қилинди. Кейинчалик бундай сув ҳавзалари саҳни 16 гектарга етказилди. Ўтган йили бу ерда 19 тонна балиқ етиштирилган бўлса, жорий йилда 22 тонналик маррани кўзлаяпмиз.

Мамлакатимизда тадбиркорлик учун яратилган имкониятдан фойдаланиб, саҳро бағрида экотуризмни ривожлантириш мақсадида яна 10 гектарлик махсус суньий сув ҳавзаси барпо этаяпмиз. Унинг атрофида оилавий дам олувчилар учун дала ҳовлилари ҳам қад ростламоқда. Фаолиятимизнинг шу қадар ривожланишида доимий қўллаб-қувватлаб келаётган ҳамкоримиз “Микрокредитбанк”дан миннатдормиз.

Ҳилола ИСМОИЛОВА,
Оқолтин маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи битирувчиси:

— Ёшлик инсон умрининг энг шижоатли, орзу-умидларга тўла палласи ҳисобланади. Бу даврда олинган билим, эгалланган касб-ҳунар гўёки тошга ўйилган нақшдек мустаҳкам бўлади.

Тенгдошларимнинг кўпчилиги юртимизда ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишга интилади. Бу жуда қувонарли, албатта.

Мен ҳам коллежда касб-ҳунар сирларини пухта ўрганиш баробарида, келажакда “Гўзаллик салони” очиб, опа-сингил ва дугоналарим ҳуснига ҳусн қўшишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим. Интилганга толе кулиб боқар экан. Тарбиркорлик борасидаги бизнес лойиҳам истиқболли деб топилиб, “Микрокредитбанк” томонидан имтиёзли кредит ажратилди. Айни пайтда тадбиркор сифатида маҳалламизда ўзим ташкил этган “Гўзаллик салони”да тенгдошларим билан фаолият олиб бораяпмиз. “Микрокредитбанк” кўмагида орзуим рўёбга чиқаётганидан мамнунман.

Акмал БОЗОРОВ,
Косонсой туманидаги Ровот қишлоғида фаолият юритаётган тадбиркор:

— Бундан уч йил муқаддам тадбиркорлик фаолиятини маҳаллада минифутбол майдони, кичик маиший хизмат шохобчалари барпо этиш ва аҳолига хизмат кўрсатишдан бошлаган эдим. Ўтган йилларда давлатимиз томонидан яратилган имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятимни янада кенгайтирдим. Маҳалламизда биз барпо этган тикувчилик, қандолат ва торт маҳсулотлари пишириш, мебель цехлари, “Гўзаллик салони”, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси, озиқ-овқат, хўжалик моллари дўконларидан иборат савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасидан бугунги кунда аҳоли мамнун бўлмоқда.

Бу борадаги тадбиркорлик ташаббусларимизни амалга оширишда “Микрокредитбанк”нинг туман филиалидан олинган 300 миллион сўмлик имтиёзли кредит муҳим аҳамият касб этди. Мажмуада 30 га яқин янги иш ўрни яратилди ва уларга асосан касб-ҳунар коллежи битирувчилари жалб этилди.

Банк матбуот хизмати

Reklama o'rnida

МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 288-42-14 (144)
Навбатчи муҳаррир — Феруз Жўраев
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
1995 йил 22 февраллан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган.
Буюртма Г — 1000. Адади — 6850
Босишга топшириш вақти — 21.00
Босишга топширилди — 18.20
Баҳоси келишилган нархда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5